

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ЎҒРИЛАРИ

Ўзбошимчилик билан уданиб олиш натижасида мўайян қувватга мўжадланган энергия узатувчи ускуна зўриқиб, куйиб қолади. Уни топиб тузатишга анча вақт кетади.

4 БЕТ

«ҚОПҚОН ТЕВАРАГИДАГИ РАҚС»

У ичкарига кирганида «томошар» бошланиб бўлган эди. Иккита кассир киз даг-даг қаптираганча кулларини деворга тираб орқа ўгириб турар. Ўрта ёшлардаги кўзойнакли рус киши гужанак бўлиб ётарди.

9 БЕТ

ҚОТИЛ НЕВАРА

Биз баён қилокчи бўлган воқеалар қайсидаир хориж кинофильми ёки олдиди-қочиди детектив хикояда эмас, реал ҳаётда, фусункор Форинининг кичик бир қишлоғида рўй берган.

10 БЕТ

ИМПЕРАТОРНИНГ «ҲАДЯ» СИ

— Мен сарипка масаласида. Сотиб олишни хоҳайсизми? — Ҳа-ҳа, албатта! — Ундай бўлса уч миллион доллар тайёрланг. Ёқоч яна сизники бўлади.

12 БЕТ

Mustaqillik huquq demakdir Нидош

1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan

2007-yil 18-oktabr, № 42 (563)



Республика Вазирлар Маҳкамасида

16 октябрь куни бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисида кўриб чиқилган мамлакатни макроиқтисодий ривожлантириш, солиқ ва бюджет сисёати асосий йўналишларини муваффақиятли бажариш, 2007 йил Давлат бюджетини ўз вақтида ижро этишни таъминлаш яқунлари кўплаб юртдошларимиз кўнглини фахр ва гурурга тўлдирди. 2007 йил январь-сентябрь ойларида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,8 фоизни ташкил этганди. Мамлакатимиз иқтисодиёти тараққийёт ва юксалиш йўлидан бораётганлигининг далили бўлди.

мир йўл линиясининг ишга туширилиши иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги истиқболларини очиб имконини яратди. Айнан янги темир йўл линияси атрофида кўплаб қазилма бойликлар конларининг ишга туширилатганлиги бунинг далилидир. «Тюбегатан» калийли ўғитлар конини ва «Хандиза» полиметалл рудалари конини ўзлаштириш юзасидан йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бошланганлиги келажакда бир неча тармоқлар ривожига комплекс таъсир кўрсатишини алоҳида қайд этиш лозим.

Утган мuddат мобайнида амалга августидан бошлаб иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдори 25 фоизга оширилди. Биргина «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасидаги ижтимоий аҳамиятта эга бўлган тadbирларга 370 миллиард сўм, шу жумладан, бюджетдан 153 миллиард сўм маблағ сарфланган.

Аҳолини иш билан таъминлаш, меҳнат ресурсларидан оқилона фойдаланиш ҳудудий дастурларининг бажарилиши яқунлари бу йўналишда кенг кўламли ишлар амалга оширилганлигини кўрсатди. Худди шундай дастурларга мувофиқ шу йилда 490,0 мингга яқин иш

Юрт истиқболи йўлида

Республика Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат Статистика қўмитаси ва Молия вазирлиги маълумотларига қараганда бундай натижаларга саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 11,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 3,5 фоизга, пудрат қурилиш ишларининг 20,4 фоизга, чакана савдо товар айланмасининг 18,4 фоизга, пулли хизматларининг 25,2 фоизга кўпайтириш ҳисобига эришилган. Ташқи савдо айланмаси, энг аввало, экспорт ҳажмининг 41,8 фоизга ошиши ҳисобига ўсиш тенденцияси кузатишган. Давлат бюджети профицит билан ижро этилиб, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмаган.

Утган тўққиз ой давмида бир қатор йирик саноат ишлаб чиқариш корхоналари ишга туширилган. Шунингдек, халқимиз орасида «аср қурилиши» деб ном олган «Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон» те-

оширилган муҳим вазибалардан бири сифатида шубҳасиз, тadbиркорликни кўллаб-қувватлаш, уларнинг фаолиятини эркинлаштириш ва солиқ юкини камайитиришга қаратилган чора-tadbirlarni ҳам кўрсатиш мумкин. Натижанда кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўтган йилнинг тегишли давридаги 39 фоиз ўрнига 43,1 фоизни ташкил этган.

Барчамизга маълумки, мамлакатимизда аҳолининг турли қатламларини ижтимоий кўллаб-қувватлаш, таълим, кадрлар тайёрлаш ва соғлиқни сақлаш соҳаларида умумий дастурлар амалга оширилатиб.

Утган вақт мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қатор Фармонларининг қабул қилинганлиги ушбу дастурларни янада изчил амалга ошириш имконини берди. Жумладан, 2007 йил 1

ўринлари, жумладан, корхоналар билан тузилган меҳнат шартномалари бўйича 82 мингта, хизмат кўрсатиш соҳасида 120 мингта иш ўрни яратилган.

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур йиғилишида, шунингдек, барча тармоқларга ахборот-коммуникация технологияларини татиққ этиш, қиш мавсумига тайёрлик, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш масалалари ҳам муҳокама қилинди.

Йиғилиш яқунлари аҳоли турмуш фаровонлиги тобора кўтарилаётганлигини, аҳолининг реал даромадлари ошганлигини кўрсатди. Амалга оширилган чора-tadbirlar мамлакатимиз истиқболини таъминлаш учун ишончли кафолатлар яратилаётганлигини кўрсатди.

(Ўз мухбиримиз)

21 октябрь — Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун

Тил миллат кўзгуси

Гул бўлса-ю, ифори бўлмаса, асал бўлса-ю, тахир бўлса, нон бўлса-ю куюк бўлса, тил бўлса-ю дилларни эрита олмаса бекор! Тил табиатан таңҳо бир кучки, у оловни музга, музни оловга айлантиради. Тил—сехргар, сехрловчи восита. Ўзбек тилини кунт билан ўрганган кишиларгина унинг севриқкор кудратини билиб оладилар.

Ҳаётимизда мустақилликни мустаҳкамлаш жараёнида янги байрам куни юзага келди. У ҳам бўлса ҳар йилининг 21 октябрдир. Шу куни давлат тилимиз борасида олиб борилётган ишларимизга хулоса ясаймиз ва шу асосда навбатдаги вазибаларга эътиборимизни қаратамиз. Давлатимиз тили ҳақидаги Қонуни ҳаётда татиққ этишда, унинг таъсир доирасини кенгайтиришда, халқ онгида унинг ўрнини мустаҳкамлашда шу қадар улкан ишлар қилиндики, бу ўзбек тили ва ўзбек халқининг бугунги кунда жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрнида яққол кўринади.

Ўзбек тилига Давлат тили мақомининг берилиши она тилимиз учун улкан тараққийёт, ривожланиш, битмас-туганмас имкониятлар эшигини очди. Ўзбек тилининг лексик қатламида мисли қўрилмаган ўзгаришлар бўлди: «эскирган сўз»-тамғаси босилган кўплаб лексиконлар ўз лисоний мақомига эга бўлди, халқ тили бисотида қолиб келатган минглаб сўзлар адабий тил сатҳида фаоллашди, янги сўзлар ясалди, фан-техника, тиббийёт, иқтисодиёт, ҳуқуқ, спорт ва бошқа соҳаларга оид кўплаб янги сўзлар тилимизга кириб келди. Иш юритиш ўзбек тилига кўнчи, атамашунослик қўмитаси ташкил этилди ва турли соҳаларга доир луғатлар тайёрланди.

Ўзбек тилимиз — муқаддас тил. У авлодларни авлодларга, асларни асларга улайди. Ўзбек тилини мукамал ўрганиш, биллурдек мусавфо сақлаш, камол топтириш миллий тилимиз, халқимиз, Ватанимизга бўлган муҳаббатимиз рамзидир. Утмиш авлодларнинг, бобаклонларнинг руҳи шу тилда инган. Улар кейинги зурриётларга эзгу тилакларини ўзбек тилида айтиб, одамийликни мерос қолдирганлар.

Ҳар бир халқнинг тили ўзига азиз. Шоирлар, файласуфлар тил ҳақидаги таърифу тавсифларидан кўнгилларга нур югуради. Унинг маъзига етган инсонга ҳаёт янада маъноли, мақсадли, гўзал ва ширин бўлиб қолади. Ўзбек тилини кимдир онага ўхшатса, бошқа биров ватан қадар улуг билади.

(Давоми 3-бетда).

Тажриба ва амалйёт

Мустақил ҳаётга қадам

Юридик соҳада тахсил олаётган талабалар олий ўқув юртиларида давлат ва ҳуқуқнинг функциялари, фуқароларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари, давлат ва шахс ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўриш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни келтириб чиқарган шарт-шароитларни бартараф этиш юзасидан тегишли назарий билимларга эга бўлиб, етуқлик дипломинини оладилар.

Бирок, прокуратура тизимига янги қабул қилинган ёш ходимнинг унга тақдим этилган ариза ва шикоятлар юзасидан тегишли вазибаларни қандай олиб бориш, айникса, аризаларни қабул қилиш, расмийлаштириш, аризалар билан ўзаро савол-жавоблар ўтказиш, иш фаолиятидаги ҳулқ-атвор каби масалаларни билиши ҳам уларнинг асосий вазибаларидан биридир.

2006 йилга қадар ёш мутахассислар «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг иштини ташкил этиш тўғрисида»ги Низомга асосан прокуратура органларида ишга қабул қилинганларидан кейин ушбу масалалар билан танишар эдилар. Республика Бosh прокурорининг ташаббуси билан 2006 йилдан бошлаб тасдиқланган дастур асосида ёш мутахассислар ишга жойлашмасданқ, ўқув машғулотларига жалб этилмоқда.

Жорий йилнинг 24 сентябрдан 6 октябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида шундай ўқув машғулотлари ўтказилди. Ёш мутахассислар прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асослари ва Бosh прокурорнинг соҳавий буйруқларидан келиб чиқадиган вазибалар, шу жумладан, «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органларида ёш мутахассисларнинг иштини ташкил этиш тўғрисида»ги Низом талаблари, прокуратура органларида фуқаролар ва юридик шахсларнинг муносабатларини кўриб чиқиш тартиби, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятининг асосий йўналишлари, судларга даъво аризалари киритиш ёки протест, қарор, тақдимнома, ариза ва огоҳлантирув каби прокурор назорати қўжатларини тайёрлаш механизмининг ўрганиб чиқилди.

Тингловчиларга прокуратура органларининг давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар қонунда қайд қилинган ваколат доирасида белгиланган вазибаларни амалга ошириш механизми ҳақида ҳам кенг тушунчалар берилди.

(Давоми 2-бетда).

2008 йилда ҳам «Ниқуқ» билан

Ўқувчимсиз ё талаба? Ишчимсиз ё тadbиркор? Ёхуд зиёлимсиз? Ким бўлишингиздан қатъи назар, ҳуқуқингизни билишингиз шарт! Бу давр талаби! Бунда эса «Ниқуқ» газетаси кўрсатган йўл мақсадингизга элтади.

Индекс - 231

ОБУНА - 2008

Мамлакатимизда ўтказилган чуқур иқтисодий ислохотлар самараси ўлароқ, бугун кичик ва ўрта бизнес соҳаси, хусусий сектор ривожланмоқда, корхона ва ташкилотларнинг молиявий салоҳияти юксалиб бораётти.

Бирок, жойларда ҳамон қарздорлик боғиқидан қутула олмаётган корхона ва ташкилотлар учраб турибди. Бунга мазкур корхоналар раҳбар ва масъул шахсларининг ўз вазифаларига соҳуқонлик билан қараганликлари, ўзаро ҳисоб-китоб ва тўлов интизомига

ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланади.

Хусусан, «Сариосиёпахта» ОТХЖда корхонанинг раҳбар ва масъул ходимлари ишга совуққонлик билан қараганликлари оқибатида 20,5 млн. сўмлик муддати ўтган дебитор қарзлар ундирилмасдан келинган, 84,7 млн. сўм миқдордаги кредитор қарзлар тўлаб берилмаган. Натижада, ОТХЖ ишчи-хизматчиларига 33,8 млн. сўмлик иш ҳақлари тўланмаган.

Ушбу ҳолат юзасидан Сариосиё

100 баравари миқдорда жарима жазоси тайинланди.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 12 мартдаги «Солиқлар, бюджетга мажбурий тўловлар буйича муддатда тўланамаган солиқларнинг корхона ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ҳам мунтазам текширишлар ўтказилмоқда. Масалан, «Жарқўрғонпахта» ОТХЖнинг бюджет ва бюд-

Қарздорлик – масъулиятсизлик оқибати

онд қонунлар ижросини таъминламаганликлари сабаб бўлмоқда.

Президентимизнинг 1995 йил 12 майдаги «Халқ ҳўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг шу йўналишдаги қарорлари ижросини назорат қилиш юзасидан ўтказилаётган текширишларда вилоятдаги айрим корхона ва ташкилотларнинг раҳбар ва мутасаддилари томонидан тўлов интизомига оид қонунлар ижросини таъминлашда жиддий қонунбузилиш

туман прокурори томонидан жамият бошқаруви раиси Г.Кучов ва товаршунос Н.Саидназаровага нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши кўзгатилган.

Шунингдек, Узун туман Электр тармоқлари филиали масъул ходимларининг айби билан 55,8 сўм миқдордаги норезал қарзлар 11 та корхона ҳисобига асосиз тиркаб қўйилиб, мазкур субъектларнинг манфаатига кўп миқдорда зарар етказилган.

Мазкур ҳолат буйича туман прокурори томонидан кўзгатилган жиноят иши судда қўрилиб, филиал бошлиғи А.Нарзуллаевга энг кам иш ҳақининг

жетдан ташқари тўловлардан қарздорлиги 468,1 млн. сўми ҳамда бунга ҳисобланган устама (пеня) суммаси 321,9 млн. сўми, туман МТП корхонасининг худди шундай тўловлардан қарздорлиги 148 млн. сўми, устама суммаси 25 млн. сўми ташкил этган.

Мазкур ҳолатлар буйича прокуратура тақдирномаларига асосан мавжуд божимонда қарзларни ундириш ҳақида вилоят ҳўжалик судига тегишли солиқ идоралари томонидан даъво аризалари киритилди.

Шодмон САФАРОВ,
Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

Мустақил ҳаётга қадам

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини текшириш методлари ва усуллари батафсил тўлғуништирилди.

Фуқаролик, ҳўжалик ишлари юзасидан даъво аризаларини тайёрлаш ва уларни судларда қўриш ҳамда қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари ижросини таъминлаш юзасидан амалий машғулотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, белгиланган дастур режасидан ташқари тингловчиларни кичик гуруҳларга бўлиб, қўшимча машғулотлар ўтказилди. Бу машғулотларда катта ҳаётий ва амалий тажрибага эга бўлган прокуратура ходимлари ўзларининг кўп йиллик иш фаолиятидаги муваффақиятлари, дуч келган муаммолари, низоли ва салбий ҳолатлар тўғрисида сўзлаб бердилар.

Тингловчилар билан криминалистика хоналарида ҳам амалий машғулотлар ўтказилди. Улар содир бўлган воқеа жойини кўздан кечириб, террористлар томонидан жиноятни амалга оширишда фойдаланилган техника воситалари ва қуролларнинг ўзига хос хусусиятлари билан танишдилар.

Булардан ташқари ёш мутахасссларнинг прокуратура музейини кўздан кечиришлари, Шаҳидлар хотираси майдонини зиёрат қилишлари, Бош прокуратура жамоасида ўтказилмаган маънавият соатларида, сўхбатларда иштирок этганликлари уларнинг дунёқарашларини ўстриди десак, муболаға бўлмайд.

Машғулот якунида тингловчилар билан алоҳида сўхбатлар ўтказилди.

Ш.БЕРДИЕВ,

Республика Бош прокуратураси Қонунчиликни мустаҳкамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази катта ўқитувчиси, юридик фанлари номзоди

«Олғир»лик оғирлик қилди

Айрим қишлоқларнинг аҳолиси хонадонларига табиий газ етиб бормаётгани ёки босими ниҳоятда пастлиги хусусида арз қилишадю бирок, газ тармоқларига ўзбoшмичалик билан уланган «ишбилармон»ларнинг гайриқонуний ишларига кўз юмишад.

Муросасозлик муҳити эса юлдузини бенарвон урмоқчи бўлган «учар»ларга қўл келад.

Хусусан, Окёбр қишлоғида яшовчи Муҳиддин Сиддиқов хуфёна цехда қарийб уч ой гишт пишириб, сотиш билан шугулланган.

2007 йил 20 июн куни «Водийгазтаъминот» бошқармасининг туман бўлими, давлат солиқ инспекцияси, СВОЖЖДЛКК департаменти туман бўлими ходимлари табиий газ тармоғига ўзбoшмичалик билан уланиб олиш ҳолларини бартараф этиш мақсадида таъшириш ўтказишди.

Улар собиқ «Келдиев» номли ширкат ҳўжалигининг чорвачилик фермасига кириб боришганида, пишган гиштни ишлаб чиқариш кенг қўлоч отганига гувоҳ бўлишди.

Цех эгаси Муҳиддин Сиддиқовнинг қўлида ҳеч қандай ҳужжат йўқ бўлиб, 2700 дона пишган гишт, 550 дона хом гишт териб қўйилган эди.

«Ишбилармон» шу йилнинг апрелида ферма ҳовлисига иккита хумдон қуриб гайриқонуний фаолиятини бошлаган экан.

Тадбиркор сифатида туман ҳокимлиги ва солиқ инспекциясида рўйхатдан ўтишим кераклигини билардим, — дейди у айбига иқдор бўлиб.

— Иш бошлаш учун қарз-ҳавола ҳам қилган эдим. Қарзларимни тўлаб кейин рухсат оларман, дея ишни бошлавердим. Ташландиқ ферма ичида ҳар бирига минг дона хом гишт сифатидан иккита хумдон қурдирдим. Уларга газ улаш учун газлаштириш идорасидан рухсат олишни ҳам кейинга қолдириб, газ тармоғига уланиб олдим.

«Риштон сифатли гишт» корхонасини хом гиштларнинг ҳар донасини ўттиз сўм нарҳда сотиб олардим. Хумдонда пишириб, саксон сўмдан сотардим. Ҳар айда ўн минг дона гишт сотиб, 500 минг сўм, уч айда жами 1,5 миллион сўм фойда қурганман...

Шу тариқа тегишли тартибда рўйхатдан ўтмай, хуфёна иш қурган М.Сиддиқов ўзбoшмичалик билан тармоққа уланиб, 34 минг 828 куб метр табиий газни ўзлаштириши оқибатида туман газ идорасига 1 млн. 776 минг сўм зарар етказди.

Жиноят қоқоқининг 185 (2)-моддасининг 2 қисми, 188-моддаси 2-қисми «б» бандида қўзда тутилган жиноятларни содир этди.

Узича ҳисобга олишмайдиغان миллионлаб сўм фойда қўришни қўзлаган «ишбилармон» етказилган зарарининг ўрнини қоплаш билан бирга суд ҳўкмига қўра қилишига яраша жазоланд.

Хуфёна иш юритишини қўзлаганлар фoш этилиши, жазоланиши мўқаррар.

У.МУСАЕВ,

Риштон туман прокуратураси терговчиси

Инсонга ҳаёт бир марта берилади. Ундан оқилона фойдаланиш, мазмунли ўтказиш эса инсоннинг ўзига боғлиқ.

Баъзан шундай бир вазият бўладики, бир марта қилинган ноҳўя иш инсоннинг ҳаётига доғ туширади, эл-юрт олдида обрўсини бир пул қилади.

Мақолаимиз «қаҳрамони» Рустам Фуломов ҳам нафақат маҳалласида, балки туманда ҳам обрўли одамлардан эди.

Ноҳўя ишлари охир оқибатда уни суднинг қора курсисига ўтиришга мажбур қилди...

«Тошкент гуруч» комбинатида ишловчи таниши С.Назарбеков Рустамнинг қўл телефонига кўнғироқ қилиб қолди:

— Рустам, зўр иш чиқиб қолди. Бир танишимга 10 тонна гуруч керак бўлиб қолди. Пули нақд.

— Ишончли одам бўлса ҳал қиламиз, — деди озгининг таноби қочиб Рустам.

Кўп ўтмай Рустамнинг қўл телефони яна жиринглади.

— Рустам ака, мен Содик Ҳасанов бўлман. Қадрдонингиз С.На-

— Майли, олиб келаверинг...

Хуллас, савдо «пишди». Рустам айтилган пайтга 10 тонна гуручини «Тошкент гуруч» комбинати ёнига «КамАЗ»да олиб келди. Энди ҳўжатларни расмийлаштириш қолганди.

Р.Фуломов ўзида бош ҳисобчи бўлиб ишлаётган М.Абдуллаевдан илгари олиб қўйган «Абдуллаева Мавжуда» ДХнинг муҳри босилган тоза юк халтини С.Назарбековга бериб, қалбаки ҳужжатни қандай тўлдирш кераклигини айтиб турди.

Сўнг ҳўжатга ўзи имзо

«КамАЗ» Самарқандга боролмади

У «Булмон ота» хусусий тайёрлов савдо-корхонасига раҳбар бўлганидан сўнг юриш-туриши ўзгарди. Туман ҳокимлигидан корхонанинг фаолиятига турли ташкилотлардан фермер ҳўжалиқчилардан махсуслот сотиб олиш ва уни улғурчи савдо йўли билан сотиш ҳақидаги лицензия беришга, у пул қилишининг янги йўлини ўйлаб топди.

Тумандаги кўпгина ташкилот раҳбарларига «менда музлатгич бор. Телевизор толиб бераман. Пул ўтказиб берсангиз бўлди. Ҳамма нарсани еъ қиламиз», дея қўллаб одамларни чўв туширди.

Ҳисоб рақамига келиб тушган 33 млн. 981 минг сўмга қишлоқ ҳўжалик махсуслотларни олиб, нақд пулга сотишга киришди.

Шартнома шартларини бажаришнинг, вақти келиб қилмишлари фoш бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмади. Қайтанга-қайтанга билишларини «тижорат» борасида ҳамкорликка чакирди.

2007 йилнинг 3 январь куни

зарбековнинг таниши, Гуруч масаласида гаплашиб олсак дегандим. Илоҳи бўлса «Тошкент гуруч» комбинатининг ёнига келсангиз.

Кўп ўтмай Рустам айтилган манзилга отасининг «Нексия»сида етиб келди. Уни комбинат ёнида С.Ҳасанов кутиб турарди. Салом-алиқдан сўнг Содик мақсадга қўчиб қўқолди.

— Менга 10 тонна гуруч керак. Рози бўлсангиз, килосини 585 сўмдан оламан. Пули машинада турибди. Гуруччи Самарқандга олиб кетаман.

— Мен розиман-у, лекин гуруч Паркент туманида-да.

— Яхшии мен у томонларга бориб юрмай. Молни шу ерга олиб келсангиз.

— Унда «КамАЗ»га ортиб келаман, шофёр билан ўзингиз келишасиз.

чекди. Келишўва биноан Содик Ҳасанов 5 млн. 850 минг сўми Р.Фуломовга берди. Энди гап «КамАЗ»нинг «қайдасан Самарқанд» дея йўлга тушиши қолганди. Бирок, 10 тонна гуруч ортилган «КамАЗ» йўлга тушишга улгурмади.

Департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси ходимлари гуруч «операция»сини чиппака чиқарди. Яқинда қонунбузар Рустам Фуломовнинг фаолиятига жиноят ишлар буйича Ҳамза туман суди сўнгги сўзни айтди. Қилмиш қидирмиш деб шунини айтсалар керак.

Фарҳод ХИММАТОВ,

Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Тошкент шаҳар бошқармаси криминалисти

Қонунбузарлар пайи қирқилмоқда

Бошқармаимиз ходимлари томонидан валолюянтинг ноқонуний айланмаси, валюта айирбошлаш ва бошқа қонунбузилишларни бартараф этишга йўналтирилган қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Ўтказилган текзор тадбирлар натижасида жами 45 та қонунбузилиш ҳолатлари аниқланган бўлиб, шундан 15 та ҳолатда 21 нафар шахсларга нисбатан жиноят иши кўзгатилди.

30 ҳолатда 31 нафар шахсларга нисбатан маъмурий чоралар қўрилди.

Ҳўжўбузарлардан жами 23 минг 21 АҚШ доллари, 32 минг 650 Россия рубли, 59 минг 583 Қирғизистон соми ва 14 млн. 886 минг 900 Ўзбекистон сўми далилий ашё сифатида олинди.

Шуни қайд этиш керакики, текширишлар мобайнида аниқланган ноқонуний равишда фаолият қўрсатаётган валюта «қора бозор»ларнинг қўчлиғи айнан вилоятдаги дехқон ва буюм бозорлари худудларида жойлашган.

Шунинг учун мазкур ҳолатлар ҳақисидан «Андижончиликбозорлар» уюшмаси

га ҳўжўбузарликларнинг келиб чиқиш шартшароитларини бартараф этиш юзасидан тақдирнома киритилди.

Ҳўжабод тумани «Дўстлик» божхона пости яқинида жойлашган дехқон бозори худудида мунтазам равишда валюта қимматликларини ноқонуний равишда олиш ва ўтказиш билан шугулланаётган жиндий гуруҳнинг фаолиятига чек қўйиш мақсадида ўтказилган текзор тадбир натижасида Январхон Ҳамидова, Гулчехра Урмонова ва Сурайё Турсуновалар харидорга 1600 АҚШ долларини сотган вақтида ушланган. Улардан 31 минг 723 Қирғизистон соми, 200 Россия рубли ва 4 млн. 220 минг Ўзбекистон сўми далилий ашё сифатида олинди.

Жиноят ишлари буйича Ҳўжабод туман судининг ҳўкмига асосан ҳўжўбузарларга 3 млн. 720 минг сўм жарима қўлланлиб, олинган валюта қимматликларини давлат эгаллига ўтказилди.

Яширин цехлар — иқтисодиёт кушандаси. Бу хилдаги ҳўжўбузарликларга чек қўйиш

департамент ходимларининг муҳим вазифаси ҳисобланади. Истеъмолчиларга сифатсиз махсуслот сотилишига йўл қўймаслик мақсадида ўтказилган тадбирларда аввало ана шу ҳижатига эътибор бердик.

Яқинда Ҳўжабод туманида ана шундай цехлардан бири фoш этилди. Гулистон маҳалласи «Ўзбекистон овози» кўчаси, 36-хонадонида яшовчи М.Ёқубжонова ўз уйида харидорга қўқола усулда ишлаб чиқарилган 40 шиша «Ўзбекистон СВ» спиртли ичимлигини сотган вақтида ушланди.

Унинг уйи кўздан кечирилганда қўқола ароқ тайёрлайдиган яширин цех фаолият қўрсатиб келгани маълум бўлди. Серия ва рақамлари бир хил бўлган Ўзбекистон Республикаси акциз марказлари билан елимланган 22 шиша 0,5 литр ҳажмидаги «Андижон СВ» ёрлиқли спиртли ичимликлар, турли этикеткалар, рангли қоқоқлар, 3 та қопада 50 донадан «Андижон СВ» этикеткаси ёпиштирилган 150 дона ароқ шишалар, 3 та яшиқда

47 дона «Андижон СВ» номли спиртли ичимликлар, 1 дона қоқоқ ёпиш мосламаси ва 3 дона филтрлаш мосламаси ана шу яширин цехнинг бор ашёлари эди.

Яхшиямки бу цех фаолиятига вақтида нуқта қўйилиб, қўқола ароқлар истеъмолдан тўхтатиб қолинди. Чунки, суд-кимёвий экспертизасида бу махсуслотлар бутунлай истеъмолга яроқсизлиги маълум бўлди.

Қилмиш-қидирмиш деганларидек ароқфуруш аёл тегишли жазосини олади.

Ачинарлиси шундаки, енгил йўллар билан бойлик орттириш илнжида юрган бундай «тадбиркорлар»нинг қилмиши натижасида сифатсиз махсуслотларни истеъмол қилган оддий фуқаролар азият чекишмоқда. Аҳоли саломатлигига жиддий пўтур етказилляпти.

Раваббек ЖАББОРОВ,
Республика Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛКК Департаментининг Андижон вилоят бошқармаси бошлиғи

Ҳақиқатан ҳам шундай. Тил билган — юрт кезади, дунёни танийди. Кўплаб юртдошларимизнинг бошқа чет давлатлар тилини ўрганишга бўлган иштиёқида ҳам, баъзи танишларимнинг фалон пулга репетитор ёллаб, кечалари билан сўзларни ёдлаб чиқишида ҳам менимча мана шу мақсад ётади. Мақсадга етишиш, ўз тилидан ташқари ҳеч бўлмаганда биронта хорж тилини ўрганиш жуда яхши, албатта. Шу ўринда бир савол туғилади кишида. Чет эллик фуқаролар ҳам бизнинг ўзбек тилига қизиқармикин? Фалон пулга репетитор ёллаб, ўзбек тилини ўрганадимикин?



Парвозлари юксак эл

Миллат тарихида ўчмас из қолдирган даврлар кўп. Улар ҳақида тўхталганда миқёси жиҳатидан улкан аҳамиятга эга бўлган икки воқеани эслаб ўтиш лозим кўринади. Негаки бу икки воқеа миллат маънавий ва маърифий дунёсининг юксалиши учун хизмат қилди.

XV асрда ҳазрат Алишер Навоий ўзбек тилида «Хамса» асарини ёзиш билан бутун Шарқда тилимизнинг макъени осмон қадар юксалтириб берди. Туркий (ўзбек) тил адабий-бадиий асарлар яратиш учун ярамайди, тил бойлиги чегараланган, деган сафатларнинг пуч эканлигини амалда исботлаб берди. Алишер Навоийнинг «Хамса»си ва лирик шеърлари макъанимизнинг гўзаллигини, бутун жозибасини ўзидан муҳажасам этгани билан бутунги кунгача дунёни ҳайратга солиб келди. Буюк мутафаккир ўзбек тилининг қанчаллик бойлигини, бадиийлик ва илмийлик бобида имкониятлари юксак эканлигини илмий-назарий жиҳатдан «Муҳокаматул дугатайн» асарида ҳам исботлаб берди. Бу миллат тарихида нуқтаи назардан, авлодлар миннатдор бўлиб эслаб келган тарихий воқеа бўлиб қолаверди.

Иккинчи воқеа XX асрда дахлдор. «Оқ» ва «қизил» империя исқажасида яшаган, тоталитар тузумнинг барча азову уқубатларини бошдан кечирган халқимиз 80-йилларнинг иккинчи ярмида миллий ўзиникини аниқлаш сари юз тулди. Худди шу даврда халқимиз ўз илтимосий-сиёсий ҳаётидаги муаммолар ва уларнинг келиб чиқиши сабаблари ҳақида фикрлай бошладилар. Ана шу сабаб-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 1989 йил 21 октябрда Ўзбекистон Республикасининг «Давлат тили тўғрисидаги Қонуни қабул қилинди. Бу шубҳасиз собиқ Иттифоқ шариоҳида халқимизнинг катта ютуғи эди ва Мустақиллик сари йўл очган, элни келгуси улдувор мақсадлар томон йўналтирган тарихий воқеа эди.

Албатта, бу давр анча таҳликали эди. Москвадан — «Марказ»дан ташланган «десантнинг» қардлар республика ва вилоятларда энг муҳим постларга ўрнашиб олиб, кўнглига нима келса шунини амалга оширар, миллий ҳис-туйғуларга менсимасдан қарашарди. Масалан, ўша пайтда Навоий вилоят партия қўмитасига раҳбар қилиб юборилган кимса бюрога бошида дўни билан кирган раҳбарга «итговор» берган ва ҳатто ишдан бўшатиб ташлаган. Бир туманга борганида кўксига қўлини қўйиб салом берган кишининг саломга узатишдан қўлини олмаб қилганлигини ўша даврда ишлаган кишилар эътибор эслайд.

Бугун эркимиз ўз қўлимизда. Мустақил, суверен давлатнинг фуқароларимиз. Дунё ҳамжамиятида ўз ўрнимиз бор. Мустақилликдан сўнг ўтган 16 йиллик даврда асрга татигулик ишлар амалга оширилди, деф фах билан айта оламиз, ифтихор қиламиз. Айни пайтда Республикамызда Давлат тили борасида жуда катта ишлар қилиб келинмоқда.

Навоий вилоятида Навоий, Зарафшон, Уч-қудуқ каби кўп миллатли навқирон шаҳарлар жойлашган. Бу шаҳарларда борансиз кўчалар, хиёбонларда давлат тилидаги чиройли ёзувлар, пешлавақалар кишида катта таассурот қолдиради. Таълим бошқа тилларда олиб борилувчи мактабларда, Навоий қон-металлургия қўшмабиноти ва унинг тизиминдаги қорхоналарида, «Навоийазот» каби саноат қорхоналарида Давлат тилини ўрганиш борасида олиб борилаётган ишлар анча салмоқли.

Қудратимизнинг дўстликда ва ўзаро ҳамжиҳатликда ҳамда ҳурматда эканлигини Навоий шаҳрида ҳам кўриш мумкин.

Абдуҳаким ҲАСАНОВ,
Навоий вилоят «Қонуи кучи» ва «Фемид»
газеталари Бош муҳаррири ўринбасари

ТИЛ БИЛГАН — ДУНЁНИ БИЛАДИ

1989 йил 21 октябр — ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилган кун. Шу сана муносабати билан Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошидаги «Чет эл фуқароларига тил ўргатиш маркази»га йўл олдим. Мақсад, юқоридаги каби саволларга жавоб олиш эди. Марказга кираверишда мени икки аёл қарши олди. Уларга мақсадини айтганим:

— Сизга айнан беш ёрдам бера оламиз, — деди аёллардан бири ўзбек тилида равои гапириб. — Исмиим Марина Рефина, мен чет эл фуқароларини қабул қилиш ва жойлаштириш бўйича бўлим бошлиги вазифасида ишлайман. Бу киши эса Елена Копанёва — марказимиз бош ҳисобчиси. Марказ талабалари билан сўхбатлашишигиздан аввал, марказ директорининг руҳини оламиз.

Ухшшумомалалик билан мени директор хонасига бошлаб борди.

— Танишинг, бу киши марказ директори Шавкат ака Йўлдошев бўлади.

Қисқа танишувдан сўнг Шавкат ака менинг бу ерга келишдан мақсадини билгач, жуда мамнун бўлди. Ҳақиқатан талабаларнинг ўқув босқисига олиб борди. Марказда ўзбек ва рус тилини ўрганаётган талабаларнинг бир гуруҳини учратдим. Уларга бир хил савол билан мурожаат қилдим:

— Нима учун ўзбек тилини ўрганапсиз? Сизнинг давлатингизда ҳам тил байрами нишонланадими?

Юн Дже Кенг (33 ёшда) — Жанубий Корея:

— Тошкентга келганимда 7

ой бўлди. Ўзбек ва рус тилини ўрганаётман. Юртингизда тадбиркорлик билан шуғулланаман. Турмуш ўртоғим билан хусусий дўкон очганимиз. Одамлар билан мулоқот қилишда тилни билиш муҳим ҳисобланади. Бундан ташқари, ўзбек халқининг маданияти ва урф-одатларига қизиқаман. Ўзбек оилалари билан дўстона борди-келиб ришталарини ўрнатганимиз. Бир неча кун аввал, ўзбек халқи Йил Рамазон ҳайитини қандай кутиб олишини кўриб, жуда катта таассуротларга эга бўлдим.

Со Ёсус (25 ёш) — Жанубий Корея:

— Ҳамиюртнинг гапларига қўшимча қилишчиман. Ўзбекистонга келишдан мақсад билим олишдир. Тошкентга келиб ўзбек ва рус тилини ўрганаётганимга 7 ой бўлди. Мусиқага қизиқаман ва саксафонда куйлар яратаман. Жанубий Кореяда мусиқий таълим даргоҳлари деярли йўқ. Ҳозирда тил ўрганиш билан бирга Тошкент Консерваториясининг 1 курс талабасиман. Тилингиз ва урф-одатларингизни жуда чиройли деб ҳисоблайман. Мамлакатимизда Ким Со Уол машҳур шоир ва ёзувчи ҳисобланади. Унинг соф корейс тилида минглаб асарлари сақланиб қолган.

Квон Хе Юн (36 ёш) — Жанубий Корея:

— Корея давлатининг тарихи ҳам узоқ минг йилликларга бориб тақалади. Шу жумладан тили ҳам қадимийдир. Машҳур давлат арбоби Се Джёнг Дей Вонг колорей тилига асос солган. Мамлакатимизда худди Ўзбекистондагидек тил байрами махсус кун сифатида нишонланади. 1948 йил 17 июль Корея тилига давлат

тили мақоми берилган кун ҳисобланади. Ўзбекистонга аввал турист бўлиб келган адим. Ўша пайти менга ўзбек халқининг оқибатчилиги ва меҳмондўстлиги ёқиб қолган эди. Орадан кўп вақт ўтмай, Ўзбекистонга қайтиб келдим ва мана 8 ойдан бери астойдил ўзбек тилини ўрганаётман. Келгусида Тошкентда тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман.

Пак Хён Гун (24 ёш) — Корея:

— Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунни алоҳида кун сифатида нишонлашимиз миллий ғурурининг баландлигини билдириб турибди. Заминингизда жуда кўплаб машҳур алломалар етишиб чиққан. Уларнинг дунё илмига қўшган ҳиссасини янада яхшироқ билиш учун ўзбек тилини мукамал билиш зарур бўлар экан.

Юй Ниа Цень (22 ёш) — ХХР:

— Хитойнинг Тянь Тянь шаҳрида Тошкентга тил ўрганиш ва келгусида Тошкент техника институтининг нефть-газ факультетига ўқиш учун келганман. Хитой тилига асос солган буюк тилшунос ва файласуф Лао Цзи ҳисобланади. Аммо махсус тил байрами мавжуд эмас. Бугун марказда бизга ўзбек тили ва рус тилини ўргатаётган устозимиз Фаридона опа Қаюмовага алоҳида миннатдорчилик билдиришмоқчиман.

Айша Шакля Хасан (16 ёш) — Урумчи шаҳридан:

— Ота-онам билан Тошкентга кўчиб келганимизга 7 ой бўлди. Мана шу ўтган вақт мобайнида ушбу марказда тил ўрганиб келаяман. Миллатим уйғур. Урумчида ўқиб юрганымда уйғур макта-

бида ўқиганман. Бизда давлат тили бўлмиш хитой тили дарслари ҳафтасига уч ёки тўрт мартаба бўлиб ўтилган. Қолган дарслар уйғур тилида олиб борилган. Ўзбек халқи билан уйғур халқининг урф-одатлари, тили жуда муштарак экан.

БасиМУлла Ҳаммон Раҳмон (19 ёш) — Афғонистон:

— Ўзбекистонга келганимга атиги 2 ҳафта бўлди. Оиламиз Мозори Шариф жўнидаги Сарипул шаҳрида яшайди. Тошкентга билим олиш ва олий ўқув юртига кириш учун келдим. Аслида миллати ўзбек. Афғонистонда пуштун, форс ва ўзбек тиллари расмий давлат тиллари сифатида қабул қилинган. Мактабларимиз 12 йиллик таълимдан иборат. Давлатимиз мактаб ва билим юрталарида таҳсил олаётганларга ёрдам беради. Алишер Навоий бобоимизнинг тили берган эътибори алоҳида эътироф этилади. Урф-одатларимиз ва анъаналаримиз ўзбек халқи билан муштарак экан. Таҳсил олаётган марказимизда ҳам ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган кунга бағишлаб ўқитувчиларимиз амалий машғуллар ўтказишмоқда.

Сўхбат сўнггида марказ директори, профессор-ўқитувчилар билан хайрлашиб, уларнинг кўрсатган ташкилий ва амалий ёрдами учун миннатдорчилик билдиридим.

Ғувоҳи бўлганимиздек, ўзбек тилини ҳам ўрганишяпти. Кимдир тадбиркорлиги ривож учун ўрганаётган бўлса, яна кимдир юртимизда таълим олиш учун ўрганишмоқда.

Гули ҲОЖИБОЕВА,
«Huquq» мухбири

Ўтган кунлар сабоғи

Давлати йўқ халқнинг тили унутилишга маққум. Бунга тарихдан жуда кўп мисол келтириш мумкин.

Шукурим, миллатимиз бу хатардан холи. Биз юз ўттиз йиллик истибод занжирларини парчалаб, истиқлолга эришганимизга эндигина ўн олти йилдан ошди. Истиқлол учун кураш, аввало, Соҳибқирон бобомиз Амир Темури давлат ишларини юритган, Ясаевий, Навоий, Бобур, Машраблар ашъор битган тилимизнинг юксак макъени тиклашдан бошланган эди. Натижада ҳали мустабид тузум оёйда турган, Москвадаги коммунистик партия даҳолари СССРдаги барча халқларни ўзларидан мосуво этиб ягона совет халқига айлантириш гонидан воз кечмаган бир даврда Ўзбекистонда ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

Эҳтимол, Францияда француз тилига, Японияда япон тилига давлат тили мақоми берилишининг қонулаштирилиши ўша миллат вақилларига галати туюлар. Аммо «табиб табиб эмас, бошидан ўтказган табиб» дейдилар. Бу қонун биз учун сув билан ҳаводек зарур эди. Чўни Ўзбекистонда туриб бирон-бир катгароқ идорага ўз тилимизда мурожаат қилолмаганимиз, исмишимиз Холтура ё Достумхаммад бўлса, паспортимизга Халтура ё Достумхаммад деб ёзиб қўйганликларимиз ҳамон ёдимизда. Шунинг учун мажур қонуннинг моҳиятини, ўтган кунлардан чиқарган сабоғимизни ёшларга тушунтириб беришдан сира чарчамаслигимиз керак.

Абдулла ЛАТИПОВ,
Элликқалъа туманидаги 49-ўрта мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси

Тил миллат кўзгуси

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Ҳаётга келган чакалок ҳам шу тилда алла эшитиб она оғушида ором олади. Шу ўринда атоқли шоиримиз Омон Матжоннинг бир ривоят асосида ёзилган «Алла» номли мўжазасига асарини эслагим келадими...

Қадим замонларда Хоразм томонларда Розия исмли бўйи этган қиз ўзга юртдан келган йигитга кўнгли қўйибди. Ота-она бу йўлдан қайтаришга қанча уринмасин, қиз аҳдида қатъий турибди. Номлоқ қолган она қизини узоқ юртга узатар экан, нурийдидасига илтижо қилибди: бахтли бўл, яққа-ю ягона ўтинчим шуки, фарзандларингга ҳеч қачон алла айтад, айсанг, бутун умр норизо кетаман...

Розия ўғил кўрибди. Онасининг айтганига амал қилибди. Афсуски, кўп ўтмай ўғлини тупроққа топширибди. Тақдир унга яна ўғил ато қилибди. Шу ўрлик келинча она илжинжи унутолмабди. Афсус бу фарзандни ҳам тупроққа топширибди. Манглайига яна ўғил битибди. Водариг, у ҳам кундан-кунга сарғайиб, умидларига таҳлика тушибди. Шунда Розия онасига берган ваъдасидан воз кечиб, ичига тўлиб-тошиб кетган дардларини қўшиқча солиб, жигаргўшасига алла куйлабди. Ўғли секин-аста кучга кириб, кўп ўтмай батамом соғайибди. Бироқ энди Розиянинг ўзи алла айтгани сайн олдига қолган Ватанини, ота-оналарни, яқинларини ёниб-қуйиб соғинади-

ган, соғинчларда ўртанадиган бўлиб қолибди.

Қиссадан хисса шуки, биргина Она алласи мавжуд бўлган тил яшашига ҳақлидир.

Ҳозирги кунда дунёнинг 20 дан ортиқ мамлакатларида ўзбек тилининг ўқитилиши етакчи омил — ўқув юрталари ўқув дастурига кириштирилганлиги, тарихий шох асарларимиз дунёнинг қўлгина тилларига таржима қилиниши ва ҳақон адабиёти дурдоналари қаторидан ўрин олганлиги ўзбек тилининг қанчалик оламшумул аҳамиятга эга эканлигини далolat беради.

Рохатой САИДОВА,
Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ўқитувчиси

Коммунал хизмат муаммолари



Шаҳар ва туманларнинг прокуратуралари ходимлари қишқи мавсумга тайёргарлик қириш борасидаги ҳукуматимиз қарори ижросини ўрганиб, таҳлил қилишяпти. Долзарб ишда сансоларлик, масъулиятсизлик, ўзибуларчилик ҳолатларига қонуний баҳо бериб, режалаштирилган тадбирларни белгиланган муддатларда ниятсизга етказиш учун таъсирчан чораларни қўллашяпти. Қиш ойлари истеъмол ҳажми кескин ортадиغان табиий газ, иссиқ сув, электр энергияси тармоқларининг шай ҳолга келтирилиши, таъмирлаш ишлари сифатли ва

хариди, ремонт харажатлари ва ҳоказо). Худди шунингдек, айримларнинг табиий газ қувурларига ўзбошимчалик билан уланиб олиши натижасида, рўпарадаги хонадонларга «зангори олов» етиб бормайди.

Электр ва газ тармоғига ўғринча уланиб олганлардан ташқари фойдаланган энергия ҳақини тўлашдан бўйин товлаган истеъмолчилар энергия узатишда муаммолар туғилишига сабабчи бўлиб қолишяпти. Электр ва газ корхоналари тўлов қобилиятларининг камайиши ремонт ва реконструкция учун маблағ тақчиллигини келтириб чиқаряпти. Президентимизнинг «Коммунал хизматлар

раҳбари Й.Садуллаев эса 102,3 минг сўмлик электр энергиясидан ўғринча фойдаланган.

Риштон тумани Қайрағоч қишлоғида яшовчи Ф.Умаров хонадонида сопол идишлар пиширадиган хумдон қурган. Рухсатнома олмасдан, газ ҳисоблагич ўрнатмай тармоққа уланиб олиб, 56 минг сўмликдан зиёд табиий газни сарфлаган.

И.Бадлов эса янада йирикроқ «иш»га қўл урган. Туман йул таъмирлаш пудрат ҳўжалиги корхонасининг 449-бўлими худудидда битта хона ва айвонни ўтган йил июль ойида ижарага олган. Чинни маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, иш бошлаганидан бери 1 млн. 500 минг сўм фойда олган. Электр ва табиий газдан ноқонуний фойдаланиб, ушбу корхоналарга 1 млн. 307 минг ва 107 минг сўм миқдорида зарар келтирган.

Қиш яқин, аҳвол қандай?

Сир эмас, куз кунларида аҳолига кўрсатилаётган коммунал хизматлар ҳаммаи қизиқтиради. Айниқса, кунлар соғуиб, қиш эшик қоқётган ҳозирги пайтда бу қизиқиш янада ортмоқда. Ҳозир халққа кўрсатилаётган хизматлар учун қарздорлик ҳолатларини баргараф этиш ва унинг олдини олиш энг долзарб масалалардан бирига айланган. Афсуски, «шоли курмаксиз бўлмайди» деганларидек баъзан аҳоли ўртасида ҳамон қарздорлик ҳолатлари учраяпти. Бу ўз навбатида давлат бюджетига зарар етказиб келмоқда. Соҳа ходимларининг бу қарздорликка «ўз ҳиссаларини қўшаётгани», ўзлари ҳам иштирок этаётганлиги эса жуда ачинарли ҳолдир.

Прокуратура органлари томонидан «Шимолгазтаъминот» унитар корхонаси Нукус шаҳар филиалида фойдаланилган табиий газ учун истеъмолчилар томонидан тўланган пулларнинг кассага келиб тушиш ҳолати ўрганилганда Нукус шаҳар газ филиали назоратчиси бўлиб ишловчи А.Жонбекова жами 11 нафар фуқародан 732 минг сўмин, назоратчи Т.Турениязов эса фуқаро Кеунимжаевдан фойдаланилган табиий газ учун 107 минг 586 сўм пулни қабул қилиб олиб, кассага кириш қилмасдан ўзлаштирилганлиги аниқланди.

Шунингдек, «Қорақалпоқэлектртармоқлари» очиқ акциядорлик жамиятининг Тахиятош шаҳар филиалида ўтказилган текширишда ушбу филиалда оператор бўлиб ишловчи Н.Алламов ва бошқалар хизмат лавозимларидан фойдаланиб, 2006 йил давомида фуқаролар томонидан фойдаланилган электр энергияси учун тўланган 627 минг 779 сўмининг тўланганлиги тўғрисида қалбаки хвнтациалар тузиб, талон-тароҳ қилганлиги маълум бўлди ва ишлари судга оширилиб тегишли жазога тортилди. Жамиятининг Хўжайли туман филиалида ўтказилган текширишлар натижасида 2005 йил давомида шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажмининг 30 фоқзини олдидан тўламаган 43 та корхонага 214 млн. 46 минг 500 сўмлик электр энергияси ноқонуний етказилиб берилганлиги маълум бўлди. Туман электр таъминот корхонаси мансабдор шахсларининг ўз вазифаларига сувоққонлик билан қарши оқибатида 2006 йилда ҳам бундай суиестемолчилик давом этиб келган. Хусусан, 123 та корхонанинг 194 млн. 442 минг сўмлик электр энергияси билан ноқонуний тарзда таъминлаб келинганлиги натижасида 2007 йил 1 январь ҳолатига 451 млн. 208 минг 600 сўмлик дебитор қарздорлик вуҷудга келган. Ушбу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилиб Хўжайли туман судининг ҳукми билан айбдор фуқаролар маъмурий жазога тортилди.

нафақат таъминотчи идораларга, балки истеъмолчиларга ҳам зарар етказишда

Электр энергияси, табиий газдан ўғринча фойдаланган «ишбилармон»лар маъмурий ва жинойий жавобгарликка тортилди. Шу йилнинг тўққиз ойи мобайнида юқоридиги каби қонунбузилишларни баргараф этиш учун 1000 дан ортиқ назорат ҳўжатлари қўлланилди. 25 та ҳолатда жиноят ишлари қўзғатилди.

Худди шунингдек, энергия манбаларидан қонуний фойдаланаётган, бироқ қўрсатилган хизмат ҳақини тўлашни орта сураётган истеъмолчиларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари ўз самарасини бермоқда.

Фарҳоджон НАЗАРОВ,
Фаргона вилоят прокуратураси бўлим прокурори

М.АЗИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси бўлим бошлиғи

ЭЛЕКТР ВА ГАЗ ЎҒРИЛАРИ

муддатида адо этилиши қатъий назоратга олиняпти.

Айрим туман марказлари, қишлоқларда муайян муддатга, аниқроғи, эҳтиёж камайган пайтларда (тун ярмидан оққанда, кундузи муайян соатларда) тежаш мақсадини кўзлаб, режали асосда электр энергиясини узатиш тўхташиб қўйилади. Лекин, кўзда тутилмаган узалишлар ҳам бўлиб туради. Оила айнаи кечки дастурхон атрофида жам бўлганда ёки телевизорда қизиқарли сериал, кўрсатув бошланганда чироқларнинг тўсатдан ўчиши асаб-бузарликларни, ҳақли эътирозларни келтириб чиқаради. Бу каби узалишларнинг сабабларидан бири, электр тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олиш натижасида муайян қувватга мўлжалланган энергия узатувчи ускуна зўриқиб, куйиб қолади. Уни топиб тузатишга анча вақт кетади. Чироқ энгунча, бизан шамлар ёниб тўғайди. Бундан истеъмолчилар билан бирга электр тармоқлари корхоналари ҳам зарар қўришади (янги ускуна

таърифларининг асосиз равишда ўсиб кетишига йул қўймаслик ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори энергия таъминотидаги муаммоларни хал этиш йўлириқларини белгилаб берди. Ушбу қарорнинг ижроси мунтазам равишда ўрганилиб, фойдаланилган ичимлик сув, иссиқлик ва электр энергияси, табиий газ учун қарздорликни камайитириш ва баргараф этиш, энергия узатилишидаги узалишларга, тармоқларга ўзбошимчалик билан уланиб олишга барҳам бериш чора-тадбирлари қўрилоқда.

Хусусан, Қўва туманидаги «Тоҳиматов Умматали» фермер ҳўжалиги раҳбари К.Холдоров электр тармоқлари корхонаси билан шартнома тузмасдан, электр ҳисоблагич ўрнатмай, ўзбошимчалик билан тармоққа уланиб олган. Корхонага 122 минг сўм миқдорида зарар етказган. «Йулчибой саховати» фермер ҳўжалиги

ШИРКАТДАГИ ҚИНҒИРЛИКЛАР

Агар одамлар кимнидир «бировнинг ҳақидан қўрқмайдиغان одам» дея тарифласа, бу унинг инсоф-диённатдан анангана узок одам эканлигини далолат. Бошқаларнинг ҳақиға хиёнат қилишини ўзига эп қўрувчи одамдан эса ҳар қандай қинғир ишни қутуш мумкин.

Баъзида тулпа-тузуқ одамлар ҳам бошқаларнинг ҳақиға кўз олайтира бошлайдиларки, буни энди тушуниш қийин. Бу билан улар моддий манфаат топишлари мумкин, лекин йиллаб йиққан обрўларини бой бериб қўйишлари анинқ.

Назар Якубовни таниганлар ҳам бировнинг ҳаққини еб кетадиган одам дейишмас эди. Бирок «одам олмаси ичиди» деганларидай, у ҳам нафисга эрк берганлардан бўлиб чиқди. Бир бор суднинг қора курсисида ўтиришга улгурган Н.Якубов олган жазосидан тегишли хулоса чиқармаган экан. У Миробод туманидаги «Рустам коммуналчи» УЖМШ бошлиғи вазифасига тайинланган кунданок мўмай даромад топиш йўларини кидира бошлади. Бу фаолиятини ширкат бosh бухгалтери Татьяна Лучкина билан жинойий тил бириктиришдан бошлаган.

Шундан кейин улар аҳолидан йиғилган коммунал тўловларни ўзлаштиришга киришиб кетадилар. 51 та қўп қаватли уйларида яшовчи аҳолидан йиғилган маблағнинг бир қисми кассага, қолгани эса Н.Якубов ва Т.Лучкинанинг чўнтағига бориб тушаверади. Биргина 2004 йилнинг апрел-ноябрь ойларида анча шундай пулларнинг 790 381 сўмидан кўпроғини ўзлаштиришган. Коммунал тўловлар учун деб пул берган хонадон эгалари эса бундан беҳабар қолаверишган.

Аммо Н.Якубов ва Т.Лучкина бу билан қаноатланиб қолишмаган. Хусусан, аслида ташкилотда ишлаган ходимлар учун иш ҳақлари ёзиб, бу пулларни ўзлаштириб келишган.

Бу пуллар билан ҳам нафси таскин топмаган «коммуналчи»лар ширкатга қарашли уйлари таъмирлаш баҳонаси билан юқорида айтилган вақт давомида Миробод туман КТТАХ га тегишли 2. 049. 129 сўмлик қурилиш молларини ўзлаштириб юборишган.

Халқимизда «қинғир шининг қийнғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади» деган гап бор. Н.Якубов ва Т.Лучкиналар ҳам содир этган қинғирликлари учун жавобгарликдан қочиб қутула олмадилар.

Улуғбек АНВАРОВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси АМИБ терговчиси

Ёнилғининг қулай ва арзон тури ҳисобланган табиий газдан бугун вилотимиз аҳолисининг кўпчилиги баҳраманд бўлмоқда. Аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадига ҳатто узок тоғли туманлардаги қишлоқларга ҳам газ қувурлари тортиб борилаяпти, одамларнинг оғири энгил қилинапти. Бунинг устига унинг нархи ҳам қўп қиммат эмас. Лекин, шундай қулайликнинг қадрига етмаётган, газдан ўғринча фойдаланиб, давлатга катта миқдорда зарар келтираётган, фойдаланилган таби-

ва унинг тўлови бўйича текшириш ўтказишди. Улар ҳар бир хонадонга киришиб, газ ускуналарини синчковлик билан кўздан кечиришди. Шундай қилмас ҳам бўлмайди. Чунки асосий газ қувуридан ўғринча улаб олиш ҳолатлари тез-тез учраб туради. Бундан ташқари баъзи хонадон ва кичик корхоналарда табиий газдан қўлбола мослама ёрдамида ўзбошимчалик билан фойдаланишадикки, бу жуда ҳам хавфлидир. Баъзан фойдаланиш қондиларига риюя қилинмаганда портлаш хавфи юқори бўлади. Худу кўрсат-

риши. Уларни юз-қўзи аралаш муштлаб, кийимларини йиртиб ташлади. Назоратчилар муштумзўр билан адибади айтиб ўтиришмади. Ишни қонуний ҳал қилишини сураб, судга мурожаат этишди. Яқинда Жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судида мазкур иш қўриб чиқилди. Судда И.Усмонов қилмишидан пушаймонлигини билдириб, унга энгиллик беришларини суради.

Суд И.Усмоновнинг муқаддам судланмаганини, қилган айбига иқрор бўлиб, чин қўнигидан пушаймонлиги-

МУШТУМЗЎРЛИК ПАНД БЕРДИ

ий газ учун тўловларни йиллаб тўламасдан келаётган кимсалар ҳам борки, улар нафақат мамлакат иқтисодий раванқига тўсиқ бўлишяпти, балки газлаштириш ва газ билан таъминлаш идораларни назоратчиларнинг ўз вазифаларини эркин бажаришларига ҳам ҳалақат беришаюпти.

Қарши шаҳар, Қизил маич кўчасидаги 41 уйда яшайдиган Исमतилло Усмонов мана шундайларнинг бири. У табиий газдан хохлаганча фойдаланади-ю, бироқ унинг пулини тўлашга келганда оғринди.

Яқинда «Жанубгазтаъминот» унитар корхонаси Қарши шаҳар филиали ходимлари шаҳардаги «Қўргонча» маҳалласида жойлашган хонадонларда табиий газдан тўри фойдаланишда

масин, агар бирор кор-хол содир бўладиган бўлса, туташ уйлارга ҳам жиддий зарар етиши мумкин.

Назоратчилар мана шундай хавфхатарининг олдини олиш ҳамда қарздорликни тартибга солиш мақсадига уйма-уй юришиб, Исमतилло Усмоновнинг ҳам хонадонига киришди. Қарашаски, фойдаланилган табиий газдан қарздорлик 101 минг 267 сўмга етибди. Бир неча марта оғоҳлантиришларга қарамай қарз тўланмаган, назоратчилар газ қувурини узиб қўйишди. Шу пайт хонадон соҳиби И.Усмонов кайфи тарок ҳолда келиб қолди ва назоратчиларга ўдагайлаб, газ қувурини тезда улашларини талаб қилди.

Сўзи ўтмагач, куч ишлатишга ки-



Фахриддин ЖУМАЕВ,
Қарши шаҳар прокурори

Хафталик теледастурлар

ДУШАНБА

2007-yil 18-oktabr, № 42 (563)

Моҳият
Энг разил, айни пайтда оддий ва азалий кўрнамаларнинг ота-онани қадрламлиги.

Л.ВОВЕНАРТ

22-oktabr, Dushanba

07.00, 18.00 «Премьера» (узб)
07.30 Ўзбек навалари
08.00, 19.00 «Премьера» (рус)
08.30, 12.45, 20.30 Мировые хиты
09.30 Ўзбек навалари
11.00 Х/ф «Эван всемогущий»
14.00 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
16.00 Ўзбек навалари
16.40 MTVA-award-2007
17.00 «Навбат» Рашид Холиков билан
17.30 Ўзбек навалари
18.30 Ўзбек навалари
19.30 Серил «Две судьбы»
21.00 Ўзбек навалари
22.00 Х/ф «Свидетель на свадьбе»
23.45 Миксер

23-oktabr, Seshanba

07.00 Ўзбек навалари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Ўзбек навалари
09.00, 19.00 Серил «Две судьбы»
10.00 Ўзбек навалари

10.00 «Премьера» (узб)
10.30 Ўзбек навалари
11.00 Х/ф «Свидетель на свадьбе»
12.45 Мировые хиты
13.30 «Юдули пайшанба»
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
16.00 «Беш панжа»
16.30 Ўзбек навалари
17.00 «Топ-20»
17.45, 18.10, 20.00 Ўзбек навалари
21.00 «Великопелная семёрка»
21.30 Ўзбек навалари
22.00 Х/ф «На грани»
00.20 Миксер

24-oktabr, Chorshanba

07.00 Ўзбек навалари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 13.20, 16.00 Мировые хиты
08.30 «Навбат» Рашид Холиков билан
09.00, 19.00 Серил «Две судьбы»
10.00 Ўзбек навалари

TV МАРКАЗ канали хафталик дастури

11.00 Х/ф «На грани»
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
17.00 Ўзбек навалари
18.10 Ўзбек навалари
20.00 Ўзбек навалари
21.00 «Миссия неповторима»
21.30 Ўзбек навалари
22.00 Х/ф «Троя»
00.50 Миксер

25-oktabr, Payshanba

07.00 Ўзбек навалари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Ўзбек навалари
09.00, 19.00 Серил «Две судьбы»
10.00 Ўзбек навалари
11.00 Х/ф «Троя»
13.50, 17.30 Мировые хиты
14.00 Марказ NEWS (рус)
14.10 MTVA-award-2007
14.30 Ўзбек навалари
15.00 Теления

26-oktabr, Juma

07.00 Ўзбек навалари
08.00, 18.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 «Топ-20»
09.00 Серил «Две судьбы»
10.00 Ўзбек навалари
11.00 Фильм «Спеши любить»
14.00 Марказ NEWS (узб)
14.10 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
16.00 Мировые хиты
17.00 Ўзбек навалари
18.10 Ўзбек навалари

19.00 «Кулинар фантазиялари»
19.30 «Кинокурьер»
20.00 Ўзбек навалари
21.00 «Премьера» (рус)
21.30 Ўзбек навалари
22.00 Х/ф «Антикиллер»
00.10 Миксер

27-oktabr, Shanba

07.00 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (узб)
08.10 Ўзбек навалари
09.00, 13.10 Мировые хиты
09.30 «Кинокурьер»
10.00 Ўзбек навалари
11.00 Х/ф «Антикиллер»
14.00 «Премьера» (узб)
14.30 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
16.00 «Беш панжа» (рус)
16.30 «Миссия неповторима»
17.00 Ўзбек навалари
18.00 Марказ NEWS (рус)
18.10 Ўзбек навалари
18.30 «Сумас орзулар»
19.10 Ўзбек навалари
20.00 «Алло-Марказ»
20.30 Ўзбек навалари

28-oktabr, Yakshanba

07.00, 17.00 Ўзбек навалари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10, 12.50, 21.45 Мировые хиты
08.30 «Сумас орзулар»
09.10 Ўзбек навалари
11.00 Х/ф «Машина времени»
14.00 Ўзбек навалари
15.00 Теления
15.45 «Баби хитс»
16.00 «Беш панжа» (узб)
16.30 «Премьера» (рус)
17.30 «Юдули пайшанба»
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Ўзбек навалари
19.00 «Алло-Марказ»
19.30 Ўзбек навалари
20.00 MTVA-award-2007
20.20 Ўзбек навалари
21.00 «Топ-20»
22.00 Х/ф «Форсаж»
00.00 Миксер

22-oktabr, Dushanba

12.00 Клип минутка
12.20 Ералаш
12.40 М/ф «Волшебное приключение»
14.00 Клип минутка
14.20 Х/ф «Золотой ключик»
15.50 М/ф
16.10, 18.20 Музыкальная дорожка
16.50 Х/ф «Назад на Землю»
14.30, 22.00 Самое захватывающее видео.
15.25, 16.30 Х/ф «Фаворский».
17.25, 00.00 Т/с «Мыслить как преступник».
18.25 Семейная реклама.
18.55, 19.30 Самое смешное видео.
19.55 Территория призраков.
21.00 Невыгодная коллекция мистера Ригли.
22.00 Т/с «C.S.I. Место преступления. Лас-Вегас».

20.20 Т/с «Мисс Марпл».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жоамба».
22.10 «Истерьод».
22.45 «Кино SMS со звездами».
22.50-00.55 Кино: «Сокровища нации».

SPORT

7.30, 21.30 «Хабарлар» (ўзб.)
7.50 «Бодрое утро»
8.50, 18.30 «Хабарлар» (рус)
9.10, 18.15 М/ф.
9.25 «Смак».
10.00 «Соглом оила».
10.30 «Жаҳон спорт колдузлари».
10.50 Настольный теннис. Суперкубок Европы.
11.30 «Военное дело».
11.50 «Вокруг света».
12.35 - 13.35 «Формула-1».
18.00 «Мир детского спорта».
18.50 «Мусликий тайм».
19.10 «Файли ошкона».
19.30 Стиль.
19.45 Антракт.
20.00 Т/с «На пути к сердцу»
20.50 «Звездный матч».
21.10 «Спортколлекция».
21.50 SMS Ринг.
22.20 Еврофутбол.
23.55 «Большие гоним».
00.45 «Тунгиз осуда бўлсин!».

03.00 Т/с «По законам детектива».
05.00 Ночной клуб.
05.50 На ринге с Сильвестром Сталлоне.

7.00 Т/с «СУПЕРПОЖАР». Часть 1-я.
8.30 М/ф «Палка-выручалка».
8.55 М/ф «Стюарт Литтл».
9.20 «Смешарики».
9.30 «Просто Норман».
10.00 Улица Сезам.
10.30 «Пукка».
11.00 Х/ф «ДАТРАНЬЯН И ТРИ МУШКЕТЕРА». Франция, 2005 г.
15.00 «Эвонки». Реалити-шоу.
16.30 «Ты - супермодель-4». Реалити-шоу о жизни модели.
17.00 «Истории в деталях». Специальный выпуск.
17.30 Х/ф «НЯНЬКИ».
19.30 «СТС зажигает суперзвезду». Ведущая - Тина Канделаки.
22.00 Х/ф «Правдивая история Красной Шапки». США, 2005 г.
23.30 «СТС зажигает суперзвезду». Продолжение.
0.30 Х/ф «СОЛДАТ ДЖЕЙН». США, 1997.
2.55 Х/ф «Я СДЕЛАЮ ВСЕ». США, 1994 г.
4.45 Х/ф «СУМЕРКИ». США.
6.15 Музыка на СТС.

07.00 Удачное утро.
07.50 Музыка.
08.05 Шоу российских рекордов.
08.55 Тысяча мелочей.
09.25 М/ф «Сафари с Кузей».
09.35-10.55 М/ф.
11.20, 11.55 Т/с «Агентство Алиби».
12.25 Х/ф «Отомстить за Анджело».
14.30, 22.00 Самое захватывающее видео.
15.25, 16.30 Х/ф «Фаворский».
17.25, 00.00 Т/с «Мыслить как преступник».
18.25 «Жулики».
18.55, 19.30 Самое смешное видео.
19.55 Территория призраков.
21.00 Невыгодная коллекция мистера Ригли.
22.00 Т/с «C.S.I. Место преступления. Лас-Вегас».
01.00 «Территория призраков».
02.00 Т/с «Мертвая зона».

SPORT

7.30 «Хабарлар» (ўзб.)
7.50 «Бодрое утро»
8.50 «Хабарлар» (рус)
9.10 «Ракибингиз громмейстер».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Куннок стартлар».
11.40 «Файли ошкона».
12.00 «Аптека слушает».
12.25 Концертная программа.
13.20 -14.10 ПрофРинг».
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусликий тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Еврофутбол.
21.30 «Талкин».
22.00 «Ледниковый период».
00.20 «Тунгиз осуда бўлсин!».

01.00 Шоу рекордов Гиннесса.
02.00 Т/с «Мертвая зона».
03.00 Т/с «Шпионы и предатели».
03.50 Ночной клуб.
05.50 На ринге с Сильвестром Сталлоне.

SPORT

7.30 «Хабарлар» (ўзб.)
7.50 «Бодрое утро»
8.50 «Хабарлар» (рус)
9.10 «Ракибингиз громмейстер».
9.35 «Пока все дома».
10.25 «Фазенда».
11.00 «Куннок стартлар».
11.40 «Файли ошкона».
12.00 «Аптека слушает».
12.25 Концертная программа.
13.20 -14.10 ПрофРинг».
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусликий тайм».
18.30 «Версия».
19.00 «Спорт уик-энд».
19.40 «Тайм-аут».
20.00 Еврофутбол.
21.30 «Талкин».
22.00 «Ледниковый период».
00.20 «Тунгиз осуда бўлсин!».

01.00 Шоу рекордов Гиннесса.
02.00 Т/с «Мертвая зона».
03.00 Т/с «Шпионы и предатели».
03.50 Ночной клуб.
05.50 На ринге с Сильвестром Сталлоне.

SPORT

7.00 Т/с «СУПЕРПОЖАР». Часть 2
8.30 М/с «Братья Лю».
8.55 «Стюарт Литтл».
9.20 «Смешарики».
9.30 «Просто Норман».
11.30 СТС зажигает суперзвезду.
15.00 «Снимите это немедленно».
16.00 Верните мне маму.
17.00 «Истории в деталях». Специальный выпуск.
17.30 Т/с «МОЯ ПРЕКРАСНАЯ НЯНЯ».
18.00 Т/с «КАДЕТСТВО».
21.00 Т/с «ПАТРИЗ ДОЧКИ». 2
22.00 Кино на СТС. «ПАРИЖАХЕРША И ЧУДОВИЩЕ». США.
1.15 «Слова богы, ты пришел!».
1.30 «ПАРИЖ - 2010. ВЕЛИКОЕ НАВОДНЕНИЕ». Франция, 2007 г.
3.15 Кино на СТС. «ИДЕАЛЬНЫЙ БРАК». Канада, 2006 г.
4.45 Кино на СТС. «ЖЕНА ПО ПОЧТЕ». США, 2004 г.
6.15 Музыка на СТС.

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Санжар боя ўзини олиб келган «Нива»га яқинлашаркан, бушашганча туриб қолди. Чекмоқчи бўлиб чўнтагига қўл суққанди, ҳали жаҳл аралаш сигаретини қутиси билан эзгилаб ташлаганини эслаб, Курбонга қаради.

— Битта чекишдан ол!

— Мана бу бошқа гап! — деди Курбон хушчақчақ оҳангда унга сигарет узатаркан ва кўшиб қўйди, — «Босс» билан суҳбатинглар жуда куюк бўлди шекилли-а?

— Буниси сени ишинг эмас, — деди Санжар унга қарамай.

— Сени омадинг бор, «Фокусчи», — деди яна Курбон, — агар сендан бошқа одам «Босс»нинг гапини рад этса, ҳаётига нукта қўйиб қўяюларди...

Санжар унга ижиргангандек бир қараб қўйди-да, машина эшитини очди...

Жиноят қидирув бўлимининг торгина хонаси сигарет тутунига тўлиб кетган, аммо ҳар ер-ҳар ерда ўтирган уч-тўрт киши гўё бунга сезмагандек, бепарво суҳбатлашиб ўтиришарди.

— «Босс»нинг гуруҳи яна пайдо бўлиб қолгани яхши эмас албатта, — деди туман прокуратураси махсус бўлим бошлиғи Фуломов ўтирганларга кўз ташлаб, — яхшиликка эмас, демоқчиман. Қандай бўлмасин, олдини олиш керак.

— Биринчидан, пайдо бўлган сизлар айтган гуруҳмас, — аниқлик киритди жиноят қидирув тезкор гуруҳининг раҳбари, капитан Саидов, — «Босс» билан яна бир-иккита шотирлари бор, холос. Қолганлари янги ёланган йигитлар бўлиши керак. Нима мақсадла уюштигани бизга маълум. Лекин мени ажаблантиратган нарсаси бу эмас, — асабийлашиб ўрнидан турди у. — Лейтенант Собитов «Босс»ни қанақа қилиб қўлдан чиқариб юборганини сира тушунолмагман.

— Қўлдан чиқарганмас, «бензин куядиган шахобча»да навбатда турганида чиқиб кетаётган машина ичиди ўтирганини кўриб қолган, — деди Фуломов, — у то ўйлаб, эс-хушини йиғиб олгунча қўйиб бўлган.

— Хўш, унақада ишни нимадан бошлаймиз? — унга саволмуза қаради Саидов.

— Одатда бунақа пайтларда йирткичларга қўпқон қўйилади, — деди Фуломов кресло ёндорини четртанга ўтираркан, — кейин, ана марҳамат қилиб ҳиқилдоғидан бўйи олаверасиз!

— «Босс»ни-я? — деб юборди дераза олдида тик турган сигарет чекиб турган сержант Қорабоев, — қўйсангиз-чи, Бурхон Фуломович. Уни ҳар қандай қопқонга чан бериб кетди дейишди-ку? Бунинг устига курулланган бўлиши мумкин. Шунинг учун...

— Буниси энди қопқон ва хўрақка боелик, — унинг сўзини бўлди Фуломов жилмайиб ва Саидовга матноли қараб қўйди, — нима дейсиз, капитан?

— Бошқа йўл йўқ кўринади, — деди Саидов қўлларини ёзиб, — «рақсга тушириб» кўрама! Бир тарафдан прокуратура, бир тарафдан тезкор гуруҳ, бир тарафдан участка милицияси...

— Нималар деясангизлар, тушунолмагман, — деди сержант Қорабоев, таажжубини яширолмай. — Қопқон дейсизларми-ей, хўракми, рақсми-ей!

— Биз нега бу ерга йиғилиб ўтирибмиз? — деди Фуломов, — шу «рақс»нинг репетициясига тайёргарликка бу!

Сержант Қорабоев яна ҳеч нарсани тушунай елка қисиб қўйди. Прокурор Фуломов билан капитан Саидов тезгина бир-бирла-

рига қараб олишди. Бунинг маъносини фақат икковлари тушундилар, холос...

Боситхон тўғри айтган экан.

Ҳаммаси келишилган пайтда бўлди. «Операция» хамирдан қил суғургандек бошланди.

«Босс» айтганидек, икки йигит



«ҚОПҚОН ТЕВАРАТТИДАТИ РАҚС»

«валюта айирбошлаш шахобчаси»га кириб кетишди. Уларнинг изидан борган Талъат билан шериги эшик рўпарасидаги йўлакда сигарет чекиб гўё суҳбатлашаётгандек пойлоқчилик қилиб қолишди. Шундан кейин зарур асбоблар солинган дипломатни кўтарган Санжар ўша тарафга юрди.

У пастаккина зинадан тушиб ичкарига кирганида «томоша» бошланиб бўлган эди. Иккита кассир қиз дағ-дағ қалтираганча қўлларини деворга тираб орқа ўгириб туришар, ўрта ёшлардаги, кўзойнакли рус киши бўлса ёзув столи тагида қўлларини гарданига чирмаштирганча гужанак бўлиб ётарди.

Ниқоб-пайпоқ кийиб олган йигитларнинг ишораси билан Санжар ишга киришди. Курбон бўлса керак, унинг ниқоб киймаганидан норози бўлиб сўқиниб қўйди. Баҳайбат сейфининг қулфи ҳақиқатан ҳам анча мураккаб экан. Санжар анча қийналди. Қайта-қайта уриниб кўрди. Вақт эса ўтиб бормоқда. Ҳар дақиқа, ҳар сонияда кутилмаган воқеа содир бўлиши ва бунга эшикка осиб қўйилган «тушлик» деган картон ёзув ҳам, на ичкаридаги, на ташқаридаги йигитлар ҳам монелик қилолмасликларини сезиб, билиб турардилар. Курбон бир-икки марта Санжарнинг тепасига келиб, «тезроқ бу!» дегандек, елкасига туртиб ҳам қўйди.

Санжар шу пайтгача не-не қўлларини бузиб-очиб ҳеч қачон бунчалик қийналмаганди. Бармоқлари титраб, пешонасини муздек тер қоплади...

Ҳаётда баъзан шундай ажиб ҳолатлар бўладики, ҳайрон қоласан киши. Йиллар давомида унудилиб кетаётган кўплаб воқеа ҳодисалар туйқус жонланди-ю, бир лаҳзада кўз олдиндан лип-лип этиб ўтаётганга ўхшайди.

Шу топда, Санжар ҳам қўлларини ишда-ю, шунақанги қалтис «юмуш»лар билан боғлиқ айрим

лавлалар ёдига тушиб, шундай ҳолатга тушгандек бўлди.

Ўтган йили бўлса керак, галати воқеа юз берганди. Ўша кунни Санжар қанақадир иш билан «Болалар боғчаси»га, Зулхуморнинг олдига борганди. Қараса, ичкарида тўс-тўполон, чоп-чоп. Боғча мудираси ўтирайдиган кабинетнинг эшиги очилмай қолган экан. Боз устига мудира шу кунни саҳарлаб келиб, ичкаридан қандайдир ҳужжатми-ҳисоботларни олиб халқ маорифи бошқармасига, мажлисга бориши керак бўлиб, ҳамма югур-югур шунга экан.

Қоровул чол қўлидаги шодашода калитларнинг бирини олиб, бирини қўйиб қулфга суққан, тарбиячи аёллардан бири эшик оралиғига пичоқ суқиб очинишга уринган, ҳўжалик ишлари бўйича муовин, ўпкаси йўқроқ бақалоқ йигит эса қўлига болта кўтариб олиб, ҳалёб «четга ўтинлар, четга ўтинлар, бузмасак бўлмайди. Хавотир олмаг, опа, бўғуноқ бошқа қулф ўрнатиб бераман» деб уёқлан-буёққа юрарди.

Зулхумор эрини кўриб, уни ҳовли тарафга бошлаганди, Санжар «шошма-чи» дея, эшик тарафга ўтди. Тарбиячи қизлар-аёллар ҳайрон бўлиб унга йўл беришди. Санжар эшик қулфига синчилаб раэм солди, кейин қоровул чолнинг қўлидаги калитларни кўриб қайтариб берди.

— Фойдаси йўқ, кўёв бола, — деди чол бош чайқаб, — ҳаммасини тиқиб кўрдим, очилмапти...

— Калит шошиб, нотўғри солинган. «Тили» чиқиб кетибди, — деди Санжар худди беморга таш-ҳи қўяётган врачга ўхшаб ва Зулхумордан соч қисқичини сўради.

Зулхумор ҳайрон бўлиб бошидан қисқичини олиб узатди. Бундан кўриб ҳўжалик бўйича муовин, бақалоқ йигит оғзини тўлдириб қулфи юборди:

— Бе-е, калит билан очилмаган, сим билан очилармиши?! — Қани, бир уриниб кўрай-

Эркин УСМОНОВ

имо қилди.

— Падар лаянат шу пайтда қулфланиб қолибди, — деди нотаниш киши асабийлашиб, — калити буралмай қолса-я?

— Қани, бундоқроқ туринг-чи, — деди Санжар уни нарироқ суриб ва юқдон қопқонига энгашди, қулфга қаради. Кейин машина эгасидан пичоқ ёттертка борми, деб сўради.

Нотаниш киши олд эшикни очиб, бир неча нараса кўтариб келди. Санжар учи найза бигизни танлаб олди-да, «хафа бўлмайсиз» дея, унинг учини сал эгиб қий-шайтирди. Кейин қулфга суқди. Бураганди, очилмади.

— Қулфнинг «секрет»и бор, — деди нотаниш киши секин, — ўнгига эмас, тескарисига буралади. Атайин шунақа қилиб ўрнат-тиргандим. Эҳтиёт шарт. Мана энди, ўзим ўнгига бураб юбориб расво бўлиб ўтирибман.

Санжар бу одамнинг соддалигидан кулгуси қистаб, бигизини яна уёқ-бўёққа бураб торганди, шик этиб очилди ва юқхона қопқоғи аста кўтарилди.

— Э, қойилман! — дея хитоб

лик-чи, — деди Санжар босиқлик билан ва чаққонлик билан қўлидаги сочқисқичдан сўроқ белтисига ўхшаган шакл ясади-да, қулф тешигига суқди. Бўлмади. Яна «шакл»нинг у ер-бу ерини буқлади, тўғриллади. Яна суқди ва нико-ялда эҳтиёткорлик ва бир-иккита нозик ҳаракат билан аста буради... Қулф шик этиб очилди.

Тупланиб турган аёллар қий-қириб, чапак чалиб юборишди. — Бор экансиз-ку, почма! — деб юборди шадлодрок қизлардан бири. Кулишишди.

— Фокусчи бўлиб кетинг-е! — деди бақалоқ муовин қўлларини ҳайратдан катта-катта очиб, — қанақа қилиб очдингиз? Тав-ба! Ақл бовар қилмайди! Шундоқ хунарингиз бор экан, нима қилиб водопровод тузатиб юрибсиз? Санжарнинг юраги орқасига бир тортиб кетдию, ўзини ўнглаб олди ва ҳазил аралаш «Ҳа, баъзан қулф тузатиб тураман», деб қўяқолди.

Ҳамма оғзи қулоғига хурсанд тарқала бошлашди. Боғча мудираси суюнганидан ҳатто уни ўпиб олди...

Кейинги яна бир галати воқеа кўчада юз берди.

Ушанда Санжар бозордан ул-бул нараса харид қилиб чиқиб кел-лаётган эди. Қараса, йўл четигади «Волга» ортида турган киши машина юқхонасини очмайди хуно-би ошиб, у ёқдан-бўёққа юрибди. Оёғи тагида бир неча рўзгор халта.

Санжар қизқисқиниб унга яқин-лашиб, «Тинчликми?» дегандек

қилиб юборди нотаниш киши, — сеҳрлар эмасмисиз, мабодо?

— Ҳа, ширкада ишлайман, — деди Санжар қулиб.

Нотаниш киши хурсанд бўлганидан чўнтагидан пул олиб узатаётганди, Санжар бош чайқадди.

— Яхшиси, бу пулга невараларингизни ширкада олиб тушинг, — дея йўлига кетди.

Нотаниш киши анграйтганча қўлаверди...

Санжар мана ҳозир, шу лаҳзаларда «Валюта айирбошлаш шахобчаси»нинг шкафдек баҳайбат сейфи қулфини очишга уринаркан, беихтиёр ўша ўтган-кетган воқеаларни эслади-ю, хўрсиниб қўйди. «У ишлар бошқача эди, — деди ўзига-ўзи, — савоб бўлганди. Буниси эса қип-қизил ўғрилик, талончиликнинг ўзи!...»

Шу пайт стол устидаги телефонлардан бирининг жиринглагани эшитилди-ю, хонага сув қўйгандек жимлик чўқди. Телефон яна асабий жиринглади.

Курбон деворга қараб турган қизлардан бирининг елкасига тур-тди:

— Сен трубкани ол, — деди шошилди, — айтганларини қайтарасан!

Малларанг сочлари елкасига ёйилган, қирра бурунли, қўзларни катта-катта жувон секин орқага ўтирилди. Санжар ҳам ишдан тўхтаб у тарафга кўз ташлаб қўйди.

(Давоми келгуси сонда.)

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин!

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси, иккинчи Жаҳон уручи қатнашчиси, Ўзбекистонда «хизмат кўрсатган юрист Тўхта ХОДЖИМУҲАМЕДОВ»нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳам-дардлик ихор қилади.

Республика Бош прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси **Холдароли АБДУМАЖИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳам-дардлик ихор қилади.

Анджон вилоят прокуратураси жамоаси ва фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази вилоят бўлими прокуратура фахрийси **Холдароли АБДУМАЖИДОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига таъзия билдиради.

!!! Биз баён қилмоқчи бўлган воқеалар қайсидир хориж кинофильми ёки олди-қочди детектив ҳикояда эмас, реал ҳаётда, фусункор Форишнинг кичик бир қишлоғида рўй берган.

Пойтахтнинг Олой бозорида савдо қилиб турган Жасур ака (барча исмлар ўзгартирилган) ҳам-қишлоғининг телефондаги гаплари билан ҳеч нарса тушунолмади. «Тез етиб кел, уйингда ҳеч ким йўқ», дедими? Бу нима дегани? Нега ҳеч ким йўқ бўлар экан? Ота-онам, хотиним, болаларим...

Унинг юраги увушди. Тиззалари қалтираб ўтириб қолди. Қўлидаги телефондан ҳамқишлоғи ҳозиргина кўнгирақ қилган рақамларни терди.

— Тушунтириб гапирсан-чи, нега уйингда ҳеч ким йўқ? Тинчликми ўзи? — сўради Жасур ака жадл билан. Унинг ҳавотири ой-кунни ақин хотинидан эди.

— Тинчликмас-да, иложи борича тезроқ етиб келинг! — ҳамқишлоғи телефонни ўчириб қўйди чоғи, алоқа узилди.

Яна қайта кўнгирақ қилишга юраги бетламади. Нима бўлган бўлиши мумкин? Нега у бунақа оҳангда гапирди? Кўз олдида болалари келди. Болаларим, Жавоҳир, Моҳи...

Қандай қилиб Жиззахга, кейин қишлоғига етиб келди, ўзим билмайди. Уйига яқинлашар экан, оёқлари унга бўйсунмас, дарвозаси олдида тўпланиб турган одамларни кўриб эса адоий тамом бўлди. Аввалига шуурсиз бир алфозда жойида тўхтаб, одамларга қараб турди. «Нима бўлди, нима гап ўзи», деб сўрашга оғиз жуфтлади-ю, овози чиқмади. Ҳамма ундан қўзини олиб қочаётгандай эди. «Жасур ука, шовшма, ўзингни тутиб ол» деб қўлтирдан тутган одамни силтаб ташлаб, ўзини ичкарига урди.

У ҳовлига қадам қўйганида ичкаридаги аёлларнинг йиғиси оламни тўтди...

Айвонда бир қатор қилиб қўйилган бешта жонсиз тана — ота-онаси, хотини ва икки фарзандининг майитини кўрган Жасур ака чўккалаб қолди.

Содир бўлган кўргуликни ўз кулфатлари деб қабул қилган ҳамқишлоқлар бундай хунрезлик кимнинг иши эканлигини ҳатто тахмин қилишдан ҳам узоқ эдилар.

Бошқа қишлоқлардаги каби бу қишлоқда ҳам деврли ҳамма бир-бирини танийди. Айниқса, Ҳожибобо ва унинг оила аъзоларини ҳамқишлоқлари жуда яхши танир, ўзига тўқ, қолаверса, бообру бу хонадон аҳлининг хурматини жойига қўйишарди. Ҳожибобо ёки ўғилларининг бировага зулм қилганини, кимлар биландир душманликда эканлигини биров эшитмаган. Унда бундай ваҳшийликни ким ёки кимлар содир этган бўлиши мумкин?

Бу савол алақачон суриштирув ва тергов ишларини бошлаб юборган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимларига ҳам тинчлик бермаётган эди. Тезкор-тергов ҳараёнида калаванинг учини шу атрофдан эмас, Тошкентдан қидириш керак эмас, деган тахмин тургилди. Бу хунрезлик Жасур аканинг тижоратдаги рақобатчилари ёки бўлмаса шериклари билан даромадни бўлишда пайдо бўлган зиддият оқибати эмасмикан? Эҳтимол... Лекин бу тахмин Жасур аканинг ишонч билан гапирган гапларидан сўнг аҳамиятини йўқота бошлади. Бирок...

Неча йилдирки, Ҳожибобо ўғли Жасурнинг оиласи билан бир ҳовлида яшаб келарди. Жасур ака Тошкентнинг Олой бозорига майиз олиб бориб сотар, шу тижоратининг орқасидан кам-кўстиси яшаб келишарди. Тижоратга кетган пайтларда унинг болаларига Ҳожибобо бош

бўлиб ўтирар, қолаверса, Жасур аканинг қўшни яшайдиган акаси ҳам хабар олиб турарди.

Тонг саҳардан туриб молларини чўпонга қўшиб қайтаётган Ҳожибобонинг ўртанча келини йўл четида Жавоҳирнинг қийшайиб ётган велосипедини кўриб ҳайрон бўлди. Саҳар-мардондан Жавоҳир велосипед миниб чиқмагандир. «Болада, кеча кечқурун эсидан чиқиб қолдириб кетган бўлса керак» деган ўйда велосипедни судраб Ҳожибобонинг ҳовлисига кирди. Овоз бериб, уй бекасини чақирди. Жавоб бўлмагач, «бир жойга кетишибди, чоғи» деганча орқага қайтди. Пешинга яқин яна чиқди. Яна жавоб бўлмагач, эшик ва деразаларни тақиллатиб кўрди. Сўнг ҳайрон бўлиб



Қотил невавара

изига қайтди. Кечқурун эридан «Бугун Ҳожибобоникда ҳеч ким кўринмади, бирон жойга боришмоқчимасми» деб сўради. Эри ундан ҳам баттар ҳайрон бўлди: «Бир жойга борадиган бўлса айтиб кетишарди...» Кеч тушиб қолгандими, чиқиб хабар олишни лозим топишмади.

Эртаси кун, аникроғи шу йил 7 апрелда эрталаб, ўша — Ҳожибобонинг ўртанча келини молларини подага қўшаётган пайтда чўпоннинг гапидан ҳушёр тортиди: «Ҳожибобо сизгирни икки кундан бери қўшмаяпти, соғлиги яхшимми?»

Ўртанча келин тўғри Ҳожибобонинг уйига келиб, аввал оғилдаги сизирни бўшатиб юборди. Жонивор сувсизликдан тинкаси куриган экан, шекилли, ҳовли этигадиги ҳовузча томон йўналди.

Аёл яна эшик-деразаларни тақиллатиб кўрди. Жавоб бўлавермагач, юраги ниманидир сезиб уйига қараб югурди. Ўғли Шокирни чақириб, «бобоникда икки кундан бери ҳеч ким йўқ, ҳамсояларни чақириб, хабар олинглар» деди-ю, чорпоёга ўтириб қолди.

Шокир кўчага чиқиб, шу атрофда кўринган қўшнилари чақириб келди. Улар билан уй эшигини амаллаб очиб, ичкарига киришди. Уй ичини димоқни ёргудек бадбўй хид тўтиб кетган эди...

Тоғлар айниқса баҳорда гўзал бўлади. Мафтункор манзара, тану жонни яйратиб юборадиган тоза ҳаво, зилол сувлар... Шунинг учунми вақт, имкон топган шаҳарлик борки хордик чиқариш учун тоғларга интилади. Жиззах шаҳридаги «Ором» шохбекатида турган кираклар ҳам бунга яхши билишади. Бахмал, Зомин ёки Фориш тоғларига борадиган йўловчиларни олиб, тоғли қишлоқларга қатнаганим-қатнаган. Биринчидан, бундан яхшигина пул ишлашдади, қолаверса, ўзла-

рининг тили билан айтганда «тоза ҳавога тўйиб келишдади».

Апрелнинг бешинчи кун. Ёмғир шивалаб ёғиб тургани учун бекалда одам сийрак. Кун оққан пайтда ёшгина бир йигит кирakash «Нексия»лардан бирининг орқа ўриндиғига ўтириб олди.

— Йўл бўлсин, ука, қайси томонга юрамиз? — сўради машина эгаси йигитчанинг суригидан энсасиқотиб.

— Форишга, айтган пулингизни бераман.

Ёмғир ҳам қарамай, «Нексия» йўлга чиқди.

Ярим тун. Қишлоқ ўртасида жойлашган Ҳожи бобо ҳовлиси деворидан бир шарпа ошиб ўтди. Ҳовли саҳни қоп-қоронғу бўлса-да, шарпа адашмай ҳовли бурчадаги гаражни толиб борди. Бу унинг ҳовлидаги паст-баландни яхши билишдан дарак беради.

Шарпа гаражга кириб, у ерда турган «ВАЗ-2107» автомашинаси-

сини ижарага бериб туришини сўраб, хол-жонига қўймасди. Турган гапни, Жасур ака бу гапни жиддий қабул қилмас. «аввал ҳайдовчилик гувоҳномасини ол-чи, кейин бир гап бўлар» деб қўя қоларди.

Аммо Нурбек тутган жойидан кесди: ўқимай туриб ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга киритди. Гувоҳномани амакисига кўрсатишга шошилди. Жасур ака унинг ҳайдовчилик гувоҳномасини қўлга олиб кўрар экан, сўради: «Зўрсан-ку. Тошкентда туриб Жиззахдан «права» олдим-де!»

«Англияга кетишимга-ку пул бермайдиган бўлдингиз, ҳеч бўлма-са уйингиздаги «07»ни ижарага бериб турарисиз энди» деди, Нурбек иддао билан.

«Сотиб олинган «права» билан узоққа боролмайсан»...

Нурбекнинг миясига қон тепди. «Қанақа одамсиз ўзи? Бобонинг молида бизнинг ҳам ҳаққимиз бор, озгина бўлсам...» Охириги сўзлари оғзидан чиқиб кетди, шекилли, телевизор кўриб ўтирган амакисига

...

Нурбек қишлоқ четидаги шарҳарга қатновчи автоуловлар бекатида етиб борган пайтда тонг ота бошлаган эди. Бекалда турган одамдан соат сўради. Шу билан гап очилди.

Юқорида айтганимиздай, қишлоқ жойида ҳамма бир-бирини танийди. Нурбекнинг бу қишлоқнинг боласи эмаслигини бил-

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

воҳирнинг юзи аралаш бошига урди. Бола жимиб қолди.

Уйларни титиб, қўлга илинган пул ва тилла тақинчоқларни сумкасига тика бошлади. Кета туриб яна янғаса — Жасур аканинг хотини ва болалари ётган хонага мўралади. Жавоҳирнинг жон беролмай хирлилаб ётганини кўриб, унинг тепасига борди...

Уйдан ошхона деразаси орқали чиқиб, гараждаги «Жигули»ни ўт олдиришга уриниб кўрди. Билдики, машина бакида бензин тугаган. Гараж тоқчасида турган елим идишдаги суқоқлини машина бакига қўйиб бўлган ҳам эдики, унинг бензин эмас дизел ёқилгиси эканлигини билиб қолди. Ичининг жаҳл билан уюлтириб, нарироқда турган велосипедни судраганча кўчага чиқди. Велосипед ҳам носоз экан, миниб кетишни удалдай олмади. Уни йўл четидан қолдириб пийда жўнади...

Из қолдирмаслик учун йўл-йўлакка жиноят қуролларини, қон сачраган кийимларини қудуққа ташлаб юборди.

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

...

Воҳид ТУРОБОВ,
Республика Бош прокуратураси
Бошқарма прокурори
Шавкат ЁДГОРОВ,
«Huquq» муҳбири



Каспий эгалари аниқланди

дан, ушбу ҳудудда иқтисодий вазиятнинг барқарорлашувига омил бўладиган масалалар муҳомама қилинди. Игиллиш якунига кўра, бир неча муҳим саволлар ўз ечимини топди. Масалан, иштирокчилар Каспий денгизи ҳавзасидаги бойликларни фақатгина мазкур ҳудуд давлатлари қазиб олиш, қайта ишлаш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларни ўтказишга ҳақлиги тўғрисида битим имзолашди. Шунингдек, учрашувда кўп йиллар давомида уруш балосини бошидан ўтказган Афғонистон иқтисодиётини кўтаришга кўмаклашиш, Яқин Шарқ муаммоси ҳамда Эроннинг ядро дастури атрафидаги масалалар муҳомама этилди. Россия Президенти Владимир Путин Эрон ядро дастури масаласига тўхталар экан, ушбу муаммо фақатгина дипломатик йўл билан ҳал этилиши лозимлигини таъкидлаб ўтди, деб хабар қилади «Риа Новости» ахборот агентлиги.

Эронда Каспий денгизи ҳавзасидаги давлатлар раҳбарларининг йиғилиши якунига етди. Мазкур саммитда Россия, Эрон, Қозғоғистон, Озарбайжон ва Туркменистон Президентлари иштирок этишди. Саммит кун тартибига қатор масалалар, жумла-



«Шафқатсиз Минг» кетди

Душанба куни, Буюкбританиянинг Либерал-демократик партияси етакчиси сэр Мингиз Кэмпбелл ўз истеъфоси тўғрисида эълон қилди. «France Presse» ахборот агентлигининг хабар беришича, Буюкбританияда катталиги жиҳатидан учинчи ўринда турувчи партия раҳбарининг бундай қарорга келишига, сўнгги вақтда унинг ёшига қаратилган доимий киноялар ва либерал-демократларнинг рейтингини пасайиб кетганлиги сабаб бўлди. Чоп этилган баёнотда кўрсатилишича, эндиликда Либерал-демократик партияга Кэмпбеллнинг ўринбосари Винс Кейбл бошчилик қилади. Маълумотларда айтилишича, «Шафқатсиз Минг» лақабини олган шотландиялик 66 ёшли собиқ адвокат, партиянинг мавқеини мустаҳкамлай олмаган. 2006 йилнинг март ойидан бошлаб, Кэмпбелл либерал-демократлар етакчиси лавозимига ўтирганган буён, партия рейтингини камайиб кетаверган. Ўтган дам олиш кунлари Либерал-демократлар партияси рейтингининг кўрсаткичи 14 фоизни ташкил этди.



Сиёсий ўйин

Украинада сиёсий майдондаги келишмовчиликлар ҳамон давом этмоқда. «Худудлар партияси» вакиллари парламент коалицияси тўлиқ шаклланишга қадар Олий Рада томонидан ҳеч қандай қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинмаслигини талаб қилишмоқда. «Униан» ахборот агентлигининг хабар беришича, Юлия Тимошенко Блоки ҳамда «Бизнинг Украина-халқ ҳимояси» блоки биргаликда коалиция тузиш ҳаракатидадирлар. «Худудлар партияси» етакчиларидан бири Тарас Черновицнинг айтишича, агарда коалиция тузилаётганда қонун меъёрлари бузилса, у ҳолда мамлакатда 2006 йилда рўй берган вазият қайтарилиши мумкин. Шунингдек, Юлия Тимошенко Блоки ҳамда «Бизнинг Украина-халқ ҳимояси» блоки ўртасидаги коалиция парламентда фаолият кўрсатса, депутатлик мандатларининг кўпчилиги айтиш шунинг коалиция қўлида жамланади.

Иккинчи сунъий йўлдош

Белорус давлати ер орбитасига ўзининг иккинчи сунъий йўлдошини учуриш ҳаракатида. Беларус миллий фанлар академияси информатика муаммолари бўйича бирлашган институтининг бош директори ўринбосари Сергей Абламейковнинг айтишича, мазкур йўлдошда 2,1 аниқликда кўриш имкониятини берадиган оптик телескоп ўрнатилади. Аввалроқ хабар берилганидек, мазкур сунъий йўлдош Европа тизимига улашиб, уни ишга тушириш муддати 2009 йилгача узайтирилган. Миллий фанлар академияси президиуми раиси Михаил Мясниковичнинг таъкидлашича, ушбу аппарат россиялик олимлар билан ҳамкорликда яратилди. Бундан ташқари келажақда 1 метр аниқликда

кўриш имкониятини берувчи сунъий йўлдошни яратиш ҳам режалаштирилган, деб хабар қилади Беларус телеграф агентлиги. Эслатиб ўтиш жоизки, биринчи Беларус сунъий йўлдоши «БелКА»нинг ер орбитасига чиқарилиши Россиянинг «Днепр» ракета ташувчи космик кемасининг аварияси туфайли амалга ошмай қолганди. 2006 йилнинг 26 июлидан 27 июлига ўтар кечаси Бойкўнғир космодромидан кўтарилган, бортида 18 сунъий йўлдош бўлган «Днепр» аварияга учраб, Бойкўнғирдан 150 километр жануби-ғарбда ерга қулаган. «БелКА» Россиянинг «Энергия» конструкторлик компаниясида яратилганди. Ундан олдинган маълумотлар қишлоқ ҳўжалиги, ўрмончилик,



сув ҳўжалигида рўй бериши мумкин бўлган фавқуллодда вазиятларнинг олдини олиш ҳамда табиий захираларни ҳўйма қилиш ва ишла-тишда қўлланилиши режалаштирилганди.



Янги таклиф

шундай таклиф билан чиққан Саакашвили мазкур таклифнинг афзал тарафларини ҳам изоҳлаб берди. Унинг айтишича, бу ўзгаришлар билан мамлакатдаги сиёсий аҳвол бир мунча барқарорлашиши мумкин. Шунингдек, Грузия Президенти парламентга ўтиш меъёрини етти фоиздан беш фоизга туширишни ҳам таклиф этди. Саакашвилининг фикрича, бу ўзгариш билан парламентдаги муҳолифатчиларнинг сафи кенгайиши мумкин ва умуман олганда муҳолифатчи партиялар мавқеи янада мустаҳкамланади. Эслатиб ўтиш жоизки, Грузияда навбатдаги президентлик сайловли 2008 йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Грузия Президенти Михаил Саакашвили президентлик мuddатини тўрт йилдан беш йилга узайтиришни, шунингдек, президентлик ва парламент сайловларини бир вақтда беш йилда бир маротаба ўтказишни таклиф этди. «Риа Новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Тбилисидаги Давлат канцелярияси биносидан парламент вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда айнан шундай таклиф билан чиққан Саакашвили мазкур таклифнинг афзал тарафларини ҳам изоҳлаб берди. Унинг айтишича, бу ўзгаришлар билан мамлакатдаги сиёсий аҳвол бир мунча барқарорлашиши мумкин. Шунингдек, Грузия Президенти парламентга ўтиш меъёрини етти фоиздан беш фоизга туширишни ҳам таклиф этди. Саакашвилининг фикрича, бу ўзгариш билан парламентдаги муҳолифатчиларнинг сафи кенгайиши мумкин ва умуман олганда муҳолифатчи партиялар мавқеи янада мустаҳкамланади. Эслатиб ўтиш жоизки, Грузияда навбатдаги президентлик сайловли 2008 йилнинг кузида бўлиб ўтади.

Хитроудаги тўқнашув

Лондоннинг Хитроу аэропортида иккита катта самолёт тўқнашиб кетди. «Sky news» ахборот агентлигининг хабар беришича, авария само кемалари учин майдонда маневр қилаётган чоғда юз берган. Улардан бири «Airbus A340» русумли ҳаво кемаси «SwLan Airlines» авиакомпаниясига тегишлидир. «Boeing 747» русумли самолёт эса «British Airways» рейсларини амалга оширган. Тўқнашув натижасида ҳеч қимга зарар етмаган, ёнғин ҳам рўй бермаган. Бироқ, воқеа жойига 20 та ёнғинга қарши курашиш бригадалари етиб келган. Иккала самолётнинг йўловчилари хавфсиз жойларга олиб ўтилган.

Муросага келайлик деб...

Ироқ ҳукумати Туркия раҳбариятига мурожаат этиб, Туркиянинг Ироқ шимолда жойлашган курд жангарилари базаларини йўқ қилиш бўйича ўтказиш керак бўлган ҳарбий операцияси масаласи бўйича шошилинч музокаралар ўтказишни таклиф этди. Туркия Вазирлар Маҳкамаси ҳарбий операцияни бошлаш ҳақида қонун лойиҳасини ишлаб чиқиб, мазкур лойиҳани парламент муҳомамасига киритишга тайёр бўлган вақтда, Ироқ ҳукумати навбатдан ташқари йиғилишда расмий Анқара билан бу ҳусудда музокаралар ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилган. Мазкур қонун лойиҳасида қарор қабул қилган. Мазкур қонун лойиҳасида қарор қабул қилган. Мазкур қонун лойиҳасида қарор қабул қилган.

Кузатувчиларнинг фикрича, Туркия парламенти депутатлари мазкур қонун лойиҳасини тўлиқ қўллаб-қувватлашди. Чунки, Туркияда сўнгги йилларда содир этилган террористик ҳаракатларнинг деярли барчаси курд жангарилари томонидан амалга оширилган. Туркия бош вазири Режеп Тайип Эрдоғоннинг мазкур режа парламент томонидан маъқулланган тақдирда ҳам ҳарбий операция яқин орада амалга оширилмаслиги ҳақидаги баёнотига қарамай, Ироқ ҳамда Туркия ўртасидаги муносабатлар ҳамон кескинлигига қолмоқда. Таъкидлаш лозимки, расмий Богдод, агар Туркия Ироқнинг ширмолий ҳудудларига бостириб кирса, у ҳолда бу ҳолат Ироқ мустақиллиги қилинган тажовуз сифатида баҳоланишини кўп маро-

таба билдирганди. Шунингдек, мазкур ҳолат Ироқдаги сиёсий вазиятни нафақат беқарорлаштириши, хаттоки давлат парчала-нишига ҳам олиб келиши мумкин. Уз навбатда, расмий Анқара Богдод раҳбариятини Туркия сарҳадларида босқинчилик жиноятини содир этиб, камчиликни ташкил этадиган курдларга-сиёсий мустақиллик берилиши учун қуролли кура-шини олиб бораётган, Ироқ шимолда жойлашган курд жангарилари базаларини йўқ қилиш бўйича ҳеч бир ҳаракат олиб

бормайтганликда айбламодда. Айрим маълумотларга кўра, Туркиянинг Ироқ билан чегарадо ҳудудларида Курд ишчи партиясининг 3500 нафарга яқин жангарилари паноҳ топган. Туркиядаги Курдистон ўлкасида ҳуку-мат қўшинлари ҳамда курд жан-гарилари ўртасида рўй берган ҳарбий тўқнашувларда 13 нафар турк аскарлари ҳалок бўлган. Бутун ёз давомида эса курд жангарилари билан тўқнашув оқибатида юзга яқин турк ҳарбий-си қурбон бўлган. Бунга жавобан, Туркия ҳукумати Ироқ шимолда жойлашган курд қишлоғини замбараклар ёрдамида ўққа ту-тиб, чегарадо ҳудудларга бостириб кириш бўйича ҳарбий операцияни бошлашини маълум қилди, деб хабар қилади «AFP» ахборот агентлиги.

Президент аризаси

Қирғизистон Президенти Курманбек Бакиев мамлакат Конституциясига бинан президентлик фаолияти даврида «Ок йўл» партиясидаги фаолиятини тўхтатиб туриш ҳақида ариза ёзди. «Риа новости» ахборот агентлигининг хабар беришича, Бакиев ўз аризасида таъкидлашича, Конституцияга мувофиқ юқори лавозимдаги давлат арбоби ўз меҳнат фаолияти давомида партия ишларига аралашмаслиги лозим. Эндиликда, расм вазифасини ўзининг ўринбосарлари бажаради. Уларнинг ҳозир бирига алоҳида фаолият йўналишлари белгиланган.



Душанба куни Бишкекда Курманбек Бакиев ташаббуси билан ташкил этилган «Ок йўл» партиясининг таъсис кенгаши бўлиб ўтди. Янги партиянинг сиёсий кенгашига 35 киши аъзо бўлди. Уларнинг қаторида мамлакат раҳбари, Президент мазмурияти бошлиғи Медедбек Садиркулов, парламент депутатлари ҳамда Қирғизистондаги таниқли олимлар бор. Мазкур партия жорий йилнинг охирида бўлиб ўтадиган парламент сайловларига иштирок этиш учун тузилган. Эслатиб ўтамиз, парламент сайловларининг аниқ куни мамлакатда янги Конституцияни қабул қилиш юзасидан 21 октябрда ўтказиладиган референдумдан сўнг белгиланади.

Молиялаш тўхтатилди

Япония ташқи ишлар вазири Масахико Кокура Мьянма пойтахти Янгондаги университетда қурилиш режалаштирилган таълим марказини молиялаш тўхтатиб қўйди. Молиявий режага мувофиқ, ушбу марказ қурилиш учун Мьянмага 552 миллион иен (4,7 миллиард АКШ доллари) миқдорда маблағ акратилиши керак эди. «France Press» ахборот агентлигининг хабар беришича, сентябрь ойида Мьянмада ҳукумат қўшинлари ҳамда норозилик намойиши қатнашчилари ўртасида рўй берган тўқнашув вақтида япон журналисти ўлдирилган ва айтиш ҳолат

Япония ҳукумати томонидан юқоридаги қарор қабул қилинишига сабаб бўлган. Япониянинг «AFP News» ахборот агентлигида оператор бўлиб ишлаган 50 ёшли Кендзи Нагаи Мьянма ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ходими томонидан отиб ўлдирилган. Бу вазият тасвирига туширилган бўлиб, ҳеч бир изоҳга ҳожат қолмаган. Сўнгги маротаба Япония Мьянмага 2003 йилда иқтисодий заво чораларини қўллаганди. Ушундан японлар Мьянмадаги муҳолифат етакчиси, Нобель мукофоти совриндори Аун Су Чжини ҳибсга олинишига норозилик билдириб,

қулай тартибдаги кредитлар берилишини тўхтатиб қўйганди. Таъкидлаш лозимки, Япония Мьянманинг энг катта сармоядорларидан биридир, бу йўналишда у билан Хитой рақобатлаша олади, ҳолос. Ўтган йилнинг ўзига, Япония томонидан ажратилган молиявий грантлар миқдори 1353 миллиард иенни (11,5 миллиард АКШ доллари) ташкил этган. Қайд этиш жоизки, АКШ ҳамда Европа Иттифоқи бир неча бор Осиё давлатларига мурожаат қилиб, ҳарбий исёнларни бошқарадиган Мьянмани молиялаш тўхтатишга чақирганди.

Ўтган асрнинг бошлари. Нафақат Россияда, балки, Вена билан Берлин, Париж, Рим, Лондон ва Мадридда ўзининг тақдорини, бекиёс санъати билан бир неча ўн минглаб мухлисларнинг олқишига сазовор бўлган машҳур скрипкачи Кошанский Санкт-Петербургда концерт бермоқда. Бу пайтда унинг санъати шу даражада эдики, газетачилар бир овоздан созандани афсонавий Паганини билан таққослашарди.

Забатдаги концерт тугаб, Кошанский эндигина гуллар билан лиқ тўла пардозхонага кирган эдики, эшик олдида икки нафар жанлар пайдо бўлди. Улар зумда хонадаги журналистлар билан мухлисларни сурбетларча турта-турта ташқарига чиқариб юборишди-ю байрам кийимдаги генералга йўл бериб, эшик олдида туриб олишди.

— Нима гап, жаноблар? — ҳеч нарсанга тушунолмаётган Кошанский генералга мурожаат қиларкан, ҳайронлигини яширолмади.

— Орқамдан юришингизни сўрайман, — генерал эътирозга ўрин қолдирмайдиган, буйруқ оҳангида шундай деди-да, шу заҳоти қўшиб қўйди, — айтмоқчи,

ни ирғаб қўйди-да, бошлаш учун ижозат берди. Шу заҳоти ажабтовур куй янграй бошлади.

— Ажойиб! — ижро тугаган заҳоти Николай II қарсақ чалиб юборди. Оиланинг қолган аъзолари эса созандани тик туриб олқишлашди.

— Миннатдорчилик билдираман, жаноби олийлари, — Кошанский яна таъзим қилди.

— Миннатдорчилик билдиришга шошилманг, — император миёғида куларкан, созандани бу ерга олиб келган боғия генерал шохга бошқа скрипканинг филофони узатди. Николай II филофни тантанавор қиёфада очиб, ичидан ялтираб турган скрипкани олди-да, йиғилганларга кўрсатар экан, созандага гап қотди:

— Мана бу бўлса Антонио Страдивариники. Сиз шундай скрипкада чалишга лойиқсиз. Шунинг учун уни олиб, рус созандаларининг маҳоратини жаҳонга танитинг.

— Жаноби олийлари! — Кошанский бу гапни эшитиб, кулоқларига ишонмади, — тушунинг, мен буни ололмайман. Турғироғи, бундай совгани қабул

либ скрипка камон устаси француз Пьер Амоайлнинг қўлига тушиб қолди. Нодир санъат асарига эга бўлганидан ўзида йўқ хурсанд бўлган уста ўша заҳоти скрипка учун деярли зирҳданган янги филоф бюрттиради. Бўлмасамчи, рус революцияси, биринчи жаҳон уруши, Франциянинг немислар томонидан оккупациясидан бусбутун чиққан скрипкани энди арзишчан эҳтиётсизлик туфайли синдириб қўйиш ҳеч гап эмас эди-да.

скрипка борлигини ҳам билмас керак. Хавотирга ўрин йўқ. Машинангизни тезда топамиз, — полиция комиссари шундай дед Пьернинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қилди.

Ўғрилиқ ҳақида деярли барча оммавий ахборот воситаларида хабарлар босилди. Айниқса, телевидение Салуццо шаҳарчасидан қатор репортажлар бергандан кейин, италия полициясининг пайтавасига кўрт тушди. Афесуски, фойдаси бўлмади.

нинг уйига кирган полициячилар, уни қонга беланганча бўғизланган ҳолда топишди. Скрипка бу ердан топилмади. Шундан кейингина бу иш билан Интерпол шугуллана бошлади. Айтмоқчи, шу ерда яна бир инсонни эсдан чиқармаслик керак. Ашаддий мусиқа ва қўшиқ ишқибози бўлиш инспектор Гуэ ҳам йўқолган скрипканинг изига тушган эди. Бироқ, қилинган ишларнинг бирортаси ҳам натижа бермади. Бўлмасам-чи, барча каталоглар киритилгани, қайта-қайта суратларга олингани-ю батафсил тасвирлангани учун ҳам ҳаммага беш қўлдек маълуму машҳур бўлган скрипкани жиноятчиларга ким ошди савдосига қўя олардилар, на бирорта созандага ижарага беришлари мумкин эди.

Орадан уч йилча вақт ўтиб, скрипканинг топилишидан даярли умид узилган бир пайтда, нотагон Пьер Амоайлнинг уйига қўнғироқ бўлди.

— Мен скрипка масаласида, — салоом-алиқини нася қилган шахс бўйиқ ва паст овозда давом этди, — сотиб олишни ҳудайсизми?

— Ҳа, ҳа, албатта!

— Ундай бўлса уч миллион доллар тайёрланг. Ёғоч яна сизники бўлади...

Табиий-ки, Пьерда бунча пул йўқ эди. Шунинг учун у яширинча полиция билан боғланди. Махфий хизматлар дарҳол ишга киришиб, Пьернинг уйи қаттиқ назоратга олинди. Уй яқинида эса кўнғироқларни эшитиш мосламаси ўрнатилган фургонли машина пайдо бўлди. Афесуски, шундан сўнг яна сувга тош тушгандек жимлик ҳукмронлик қила бошлади...

Мана, «Кошанский» ўғирдангандан бери орадан йигирма йил ўтди. Бу пайтга келиб инспектор Марк Гуэ комиссар лавозимига хизмат қилиб, нафақага чиқди. Аммо ҳали-ҳануз скрипканинг дароғи йўқ. Шундай бўлса-да, Гуэ собиқ ҳамкасбларининг ёрдами таянган ҳолда қилиришнинг давом эттирмоқда. «Нима учун «Кошанский»нинг изини Россиядан қидириб кўриш керак эмас?», гоҳида уйга толали қария. «Ахир скрипка император оиласи (бу ҳуқуқни улардан ҳали ҳеч ким олиб қўймаган) дан бошқа кимнинг қўлига тушган бўлса, улар фақат вақтинча «эгаллик қилишган. Скрипка эса қўлдан-қўлга ўтиб, сотилаверган. Бундан ташқари, собиқ иттифоқда ўз берган сийёсий воқеалар сабаб, чегаралар очилгандан сўнг қўллаб юқори нуфузли жиноятчилар Фарб томон йўл олишди. Хориж полициячилари томонидан «балалаечник»лар деб аталувчи ўта уюшган ҳамда қўрқолган «қизил мафия» жангарилари Европада ҳам ўз «каб»ларини бамайлихотир давом эттира бошладилар.

Шунинг учун ҳам Гуэнинг фикрича «Кошанский» бугунги кунда «балалаечник»ларнинг қўлида эканлиги эҳтимолдан ҳоли эмас. Сабаби эса, ҳозирда Россияда нафақат ўзига тўқ, балки яхшигина бойлар пайдо бўлганки, улар Страдиварига эгаллик қилишни ўзлари учун шараф деб ҳисоблашади.

Нима бўлганда ҳам собиқ комиссар фаолиятида энг қизиқарли бўлган бу ишни охирига етказишдан умидини узгани йўқ. Нияям дердик, унинг омади келадими ё йўқми, буни вақт кўрсатади.

Фотуржон АЛИМОВ
тайёрлади

ИМПЕРАТОРНИНГ «ҲАДЯ»СИ

скрипкани олишни унутманг!

— Нима, мен қамоққа олиндимми? Айбим нима?

— Нималар деясиз? Аксинча! Юрақолинг тезроқ!

Кўп ўтмай улар ўтирган извош Қишки сарой олдида келиб тўхтади. «Наҳотки, императорнинг шахсан ўзи мени қақтиртган?» Ҳаёлига келган ўйдан Кошанскийнинг баданидан муздек тер чиқиб кетди.

Улар турли зинаюялару чарогон заллар орқали ўтиб, ниҳоят мўъжазгина меҳмонхонага кириб келишди. Диванлар билан креслоларни тўлдириб ўтирган император оиласини кўриб, остонадаёқ қотиб қолган Кошанскийни Ниқолай II нинг мулоғим овози ўзинга келтирди.

— Нега туриб қолдингиз? Марҳамат қилинг! Биз сизнинг ажойиб санъатингиз ҳақида кўп эшитганимиз. Шунинг учун кичкинагина, оилавий концерт берарисиз деган умидимдан. Уйлайманки, илтимосимиз ерда қолмайди!

— Жаноби олийлари учун куй ижро этишни ўзим учун шараф деб ҳисоблайман, — Кошанский шундай дея таъзим қилди. Хизматкор шу заҳоти унинг қўлига скрипка филофони тутқазди.

— Сизнинг скрипкангиз қанақа?

— Қизқича император.

— Италияники, жаноби олийлари.

— Амати, Страдивари?

— Йўқ шохим, устаси номаълум.

Император тушунгандек боши-

қилишга ҳаққим йўқ. Страдиварининг бу асарини бебаҳолик!!!

— Кечирасизу, бу совға эмас, — деди шох совуққина қилиб. — Скрипка император оиласига қарашли. Уни сизга вақтинча берамиз. Бундан мақсад эса, боя айтганимдек рус скрипкаси мактабини оламга ёйиш...

Шу воқеадан кейин анча йиллар мобайнида қатор давлатларда бўлиб, мислсиз шон-шухратга эга бўлган Кошанский, 1917 йилдаги октябр воқеалари туфайли хорижга равона бўлди. У ўзи билан скрипкани ҳам олиб кетар экан, бўлиб ўтган воқеалардан кейин, омонатга олган буюминни қайтариш учун ўзини бурчи эмас деб ҳисоблаган бўлса, не ажаб. Ўзига хос бўлган бу ўғрилиқ Кошанскийга яхшилик келтирмади. Унинг исми ватанида унутилгандан ташқари, ўзи оғир касалликка чалиниб, қашшоқликка мубғоло бўлди. Оқибатда скрипка арзимаган пулга сотилди...

Одатда машҳур усталарнинг скрипкалари ўз номига эга бўлади. Бир пайтлар рус императорига тегишли бўлган Страдивари ижодининг маҳсули ҳам Францияда анча қўлма-қўл бўлгандан кейингина, улабулар французлар унга қачонлардир машҳур бўлгану бу пайтга келиб оламдан ўтган Кошанскийнинг номини беришди. Скрипка шу ном билан барча каталогларга киртилди.

XX асрнинг сўнгги чорагига ке-

ўша мудҳиш кунда Пьер яхши кайфият билан уйғонди. Италиядаги қатор концертлардан сўнг ниҳоят у уйига қайтмоқда. Нуношта қилчақ, йўлга отланди. Меҳмонхона ходими зумда унинг автомобилни йўлакка ҳайлаб келди. Пьер «Порше»нинг эшигини очиб, ўрнишққа «Кошанский» солинган филофни қўйган ҳам эди, тўсатдан уни кимдир қақтириб қолди.

— Сийнор Амоайл! Сизни телефонга!

«Ким кўнғироқ қилган бўлиши мумкин экан-а?» У шундай хаёллар билан телефонга яқинлашиб, гўшақни қўлогига тутди. Аммо у томондан ҳеч нарсэ эшитилмади. Кўнгли қандайдир гашлиқни сезгандек, шошганча машинаси томон ўтирилди-ю даҳшатдан қотиб қолди. Қайси кўз билан кўринки, машинаси катта тезликда меҳмонхона олдида кетиб борарди.

Орадан ҳеч қанча ўтмай етиб келган полициячилар дарҳол йўлларни ёпиб, ҳатто вертолёт қақтиришди...

— Ўзингизни кўп ҳам сиқаверманг, сийнор! Менимча, бу бирорта майда ўрнингиз иши. Қимматбаҳо машинангиз кўзига чиройли кўринган-у... У ҳатто салонда

Орадан маълум вақт ўтгач, криминал полиция комиссари Карло Розетти хос айроққондан машина дароғини эшитди-ю ходимлари билан ўша ёққа йўл олди. Улар дарҳақиқат айтилган жойда машинани топишди. Аммо скрипка йўқ эди.

Амоайл ўзини қўярга жой тополмас, ҳар қандай юпатишлару кўнгли кўтаришлар бейғойда эди. Шундай кунларнинг бирида италиялик машҳур мусиқчи Сальваторе Аккардо ҳамкасбнинг жонига оро кирди. У рангининг ўта тинқилиги учун «Оловли қўш» номини олган Страдивари скрипкасини бир йил фойдаланиш учун Пьерга берганда, француз созандасининг кўнгли тоғдек кўтарилди.

Бу пайтда комиссар Розеттининг агентураси криминал олам билан чамбарчас боғланган Марио Гуттининг изига тушган эди. Марио шу шахс «Монарх» меҳмонхонасидан созанданинг машинасини олиб қочган эди-да. Марио асосан наркотиклар билан иш қилгани учун, кичкинагина операция ишлаб чиқишда ва уни наркоман сифатида қўлга олмақчи бўлишди. Аммо иш чаппасига кетди. Марио-

Huquq
yuridik gazeta

Ta'asischi:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

Bosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Tahrir. hay'ati:
Yusupboy G'OIPOV, Bahrididdin VALIYEV,
Baxtiyor SAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Navezana ORTIQOVA, Tohir MALIK, Sherzodxon QUDRATXO'JAYEV, Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-98-82, 133-10-53.
E-mail: huquq97@mail.ru
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalariga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ» dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma G — 955, 19 084 nusxada bosiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: Sh. YODGOROV
Musahhih: A. MUSTAFOYEVA

Gazeta «Sharq» NMM bosmaxonasida ofset usulida chop etildi. Korxonaning manzili: Toshkent shahar, Buyuk Taron ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftanaba payshanba kunlari chiqadi.

Sotuvda erkin narxda

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 21.30 1234 678